

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

46-сон
(1014)
2021 йил
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkazilgan норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

690. «Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 ноябрдаги ПФ-14-сон Фармони
691. «Falла етишириш ва сотишка эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 ноябрдаги ПҚ-10-сон қарори
692. ««Fиждувон» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 ноябрдаги ПҚ-13-сон қарори
693. «Электрон тижорат маъмурчилигини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 ноябрдаги ПҚ-14-сон қарори
694. «Тошкент шаҳрида сувориладиган ерлардан самарали фойдаланишни

ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда бошқарув тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 ноябрдаги ПҚ-17-сон қарори

695. «Тошкент вилояти телерадиоканалини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 ноябрдаги ПҚ-18-сон қарори

Учинчи бўлим

696. «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 ноябрдаги 689-сон қарори
697. «Аҳолига санаторийларда даволаниш учун ўйлланмалар бериш соҳасига ахборот-технологияларини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 693-сон қарори
698. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини ўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, ахолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини саклаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 25 июндаги ПФ-6035-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 694-сон қарори

Бешинчи бўлим

699. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2021 йил 10 ноябрдаги 38-2021-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1963-3)
700. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 10 ноябрдаги 01/11-08-сон «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларига наслли молларни аукцион (кимошли савдоси) орқали сотишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1591-1)
701. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил

29 октябрдаги 32-мж-сон, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 октябрдаги 33-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 26 октябрдаги 45-2021К/К-сон ««Умумий ўрта таълим муассасаси қошидаги логопедия шоҳобчаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 18 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2722-1*)

702. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 28 октябрдаги 37-сон «Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга давлат бюджети маблаглари хисобидан тиббий хизмат кўрсатувчи нодавлат тибиёт ташкилотларига қўйиладиган талабларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 18 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3332*)
703. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 15 ноябрдаги 19-мж-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-хуқукий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқукий экспертизадан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 18 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3333*)
704. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 2 ноябрдаги 67-сон «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини ўйқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3105-2*)
705. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 22 октябрдаги 66-сон «Давлат ҳаридлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3013-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқукий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

690 Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартиб- га солиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг кишлок хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишдаги роли ва масъулиятини ошириш, маҳсулот етиштирувчи ва уни қайта ишловчиларнинг манфаатдорлигини таъминлашга доир бозор тамойилларини кенг жорий этиш мақсадида:

1. Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) ташкил этилсин ва унинг таркиби 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш учун талабгорларнинг аризаларини кўриб чиқиш;

пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини, жумладан кластер доирасида тузилган шартнома мажбуриятларининг бажарилиши ва олинган банк кредитларининг ўз вақтида қайтарилишини таҳлил қилиб бориш;

пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятида юзага келаётган тизимили муаммоларни бартараф этиш бўйича Ҳукуматга таклифлар киритиб бориш;

инвестиция мажбуриятларини бузган пахта-тўқимачилик кластери фаолиятини тугатиш бўйича тавсиянома бериш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш Республика комиссияси хulosасига асосан Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади. Бунда пахта-тўқимачилик кластерига ижара хуқуқи асосида ер участкасини бериш талаборнинг аризасига асосан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади;

б) пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил қилишда етиштириладиган ёки сотиб олинадиган пахта хом ашёсининг камидаги 50 фоизини ўзида қайта ишлаш қуввати (энг камидаги ип-калава) мавжуд бўлган талаборга бошқаларга нисбатан устунлик берилади;

в) Вазирлар Маҳкамасининг пахта-тўқимачилик кластерини ташкил

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қилиш бўйича қарорига асосан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси, тегишилигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоят ҳокимлиги ва пахта-тўқимачилик кластерини ташкил қилиш бўйича талабгор ўртасида тўрт томонлама битим ўттиз йил муддатга тузилади. Бунда талабгор чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ёки чет эл юридик шахси бўлган тақдирда тўрт томонлама битим йигирма беш йилгacha бўлган муддатга тузилади;

г) бир ҳудудда (Қорақалпоғистон Республикаси ёки тегишли вилоят) барча пахта-тўқимачилик кластерларига фермер хўжаликлари билан шартнома асосида фаолият юритишига ва фермер хўжаликларига ушбу кластерлар билан пахта хом ашёсини етказиб бериш бўйича ихтиёрий равишда фьючерс шартномаларини тузишга руҳсат берилади;

д) тўрт томонлама битимни бекор қилиш қўйидаги холларда фақатгина суд тартибида амалга оширилади:

томонларнинг хеч бўлмагандан биттаси қарши бўлган тақдирда;

томонларнинг битимда кўзда тутилган мажбуриятларини белгиланган муддатда бажармаслиги (бундан форс-мажор ҳолатлар ва (ёки) ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вужудга келадиган ҳолатлар мустасно);

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг учдан икки қисми пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан ўзаро тузилган шартнома муносабатлари уч йил давомида тўлик бажарилмай келинганлигини асословчи ёзма мурожаатларининг мавжудлиги;

е) 2022 йил ҳосилидан бошлаб пахта хом ашёсини етиштирувчи хўжалик субъектлари ер участкасининг ижара шартномаси бекор қилинган тақдирда, бўшаган ер участкасини қайта ижарага беришда ушбу туманда фаолият юритаётган пахта-тўқимачилик кластери бошқа тенг шароитларда устун хукуққа эга бўлади.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларни билан биргаликда:

икки ой муддатда республикада фаолият юритаётган барча пахта-тўқимачилик кластерлари билан пахта хом ашёсини чукур қайта ишлаш кувватларини ишга тушириш бўйича инвестиция киритиш, иш ўринлари яратиш ва бошқа шартларни ўз ичига олган тўрт томонлама битимни тузиш чораларини кўрсинг;

2022 йилдан бошлаб тўрт томонлама битимда ҳар йили пахта-тўқимачилик кластерлари билан тузилган битим, шу жумладан инвестиция мажбуриятларининг бажарилишини, улар фаолиятининг самарадорлик ва молиявий аудитини амалга оширишни назарда тутсин. Бунда, йиллик пахта хом ашёси ҳажми 30 минг тоннадан юқори бўлган пахта-тўқимачилик кластерларида халқаро аудиторлик ташкилотлари жалб қилинади.

5. Давлат солик қўмитаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимларни билан биргаликда жорий йил якунига қадар пахта-тўқимачилик кластерлари томони-

дан пахта хом ашёсини етиштириш ва сотиш бўйича шартномалар қатъий равишда ер участкаларига бўлган хукуқлари Миллий географик ахборот тизимида давлат рўйхатидан ўтган фермер хўжаликлари билан тузилиши ҳамда ушбу шартномаларни солик органларининг электрон шартномалар ахборот порталида мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этсин.

6. Давлат активларини бошқариш агентлиги «Ўзпахтасаноат» АЖни тугатиш Лойиха оғиси билан биргаликда бир ой муддатда тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган мажмуаларни сотиш бўйича тузилган амалдаги шартномаларнинг мазкур Фармоннинг 2-илювасининг 2-бандига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

7. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлашни назарда тутувчи Хукумат қарорини қабул қиласин.

Бош прокуратура давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари томонидан пахта-тўқимачилик кластери фаолиятига ноқонуний аралашув, турли бюрократик тўсиқлар яратиш каби аникланган салбий ҳолатлар юзасидан зудлик билан қонунчиликда белгиланган чораларни кўрсинг.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-илювага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

9. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Фаниев белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш, масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 16 ноябрь,
ПФ-14-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 16 ноябрдаги
ПФ-14-сон Фармонига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5989-сон Фармони 8-бандининг «б» кичик банди «пахта ип-калаваси ва трикотаж матони» сўзларидан кейин «(бўялган трикотаж матодан ташқари)» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 майдаги «Республика худудларида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ахоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4341-сон қарори 1-бандида:

а) учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мажмуалар фойдаланишга қабул қилингандан сўнг уларни «Ўзпахтасаноат» АЖни тугатиш Лойиҳа оғиси томонидан «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо бўлган корхоналарга ёки тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бошка тадбиркорлик субъектларига 10 йил муддатга, 2 фоиздан ортиқ бўлмаган ставка лизинг асосида ёки сотиб олиш шарти билан ижарага бериш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.»;

б) қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Белгилаб қўйилсинки, мажмуалар конунчиликда белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион орқали лойиҳаларнинг асосий кўрсаткичларини таъминлаш шарти билан ҳамда мазкур қарорда белгиланган шартларда тақдим этилади.».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

691

**Фалла етишириш ва сотишда эркин рақобатни таъ-
минлайдиган бозор тамоилиларини жорий этиш
тўғрисида***

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш, ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш, фалланинг керакли бўлган ҳажмидан ташқари давлат харидларидан тўлиқ воз кечиш ҳисобига инвестициявий жозибадорликни ошириш, фалла донини биржা савдоларида чекловларсиз сотишга имкон яратиш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг фалла етишириш ва сотишдаги инвестициявий жозибадорликни оширишга қаратилган қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

ички бозорни фалла дони билан кафолатли таъминлаш мақсадида 2022 йилдан бошлаб республика худудида экишга тавсия этилган буғдой навларини хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ер-сув шароитларидан келиб чиқсан ҳолда мустақил жойлаштириш;

2022 — 2024 йилларда фаллачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари етиширган ҳосилнинг фалла экилган ҳар гектар суғориладиган майдон ҳисобидан республика бўйича ўртача 2,5 тоннадан буғдойни эркин биржা савдолари орқали, колган қисмини тўғридан-тўғри шартномалар асосида эркин сотиш;

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан кўллаб-куватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) кредит ресурслари ҳисобидан фалла етишириш харажатларини қоплаш учун имтиёзли кредитларни фалла етиширувчи фермер хўжаликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликлари ва фаллачилик кластерларига ажратиш;

фалла етиширувчи фермер хўжаликлари, Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликлари ва фаллачилик кластерларига кредит маблағларидан эркин фойдаланиш, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги техникаларини тўғридан-тўғри харид қилиш хуқуқини бериш.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишган ҳолда календарь йилнинг 1 августига қадар буғдойнинг келгуси йил ҳосили учун кутилаётган индикатив нархи оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинишини таъминласин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 ноябрда эълон қилинган.

3. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси 2022 йил 1 январга қадар Жамғарма томонидан ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш учун биржа савдоларидан буғдой сотиб олиш ва уни биржада сотиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

Жамғарма номидан биржа савдоларида буғдой сотиб оловчи тижорат вакилини белгилаш ва танлаб олишнинг аниқ ва шаффофф мезонлари;

тижорат вакили танловида «Ўздонмаксулот» АК тизими корхоналари билан бир қаторда худудларда донни қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланаётган бошқа тадбиркорлик субъектларига тенг шароит яратилиши;

тижорат вакили Жамғарма номидан харид қилинган буғдой учун ўзининг бутун мол-мулки билан жавобгар эканлиги;

тижорат вакили Жамғарма топшириғига асосан Давлат солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг Миллий географик ахборот тизимида ер участкаларига бўлган хуқуқи давлат рўйхатидан ўтган ғаллачилик кластерлари ва фермерлардан биржа орқали буғдой сотиб олиши;

тижорат вакилининг буғдойни харид қилиш, сақлаш, табиий камайиш, ортиш, ташиш ва давлат захирасини янгилаш бўйича харажатларини қоплаб бериш;

ички бозорда дон нархлари барқарорлигини таъминлаш учун харид қилинган буғдойнинг Жамғарма томонидан биржа савдоларига чиқарилиши;

нархларни сақлаб туриш мақсадида буғдойни сотишдан олинган ижобий ва салбий фарқларни қоплаш тартиби кўзда тутилсин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси календарь йилнинг:

1 апрелига қадар эркин биржа савдоларига қўйиладиган буғдойнинг фермерлар, кластерлар ва туманлар кесимидаги тақсимотини ҳамда буғдойни сақлашга мос ёпиқ сифимларга эга дон қабул қилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

1 августига қадар етиштирилган буғдой микдори ва ички бозорда буғдойга бўлган талабдан келиб чиқиб, зарур ҳолларда тендер савдолари орқали қўшимча буғдой харид қилиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиб борсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Фаниев, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимларининг календарь йилнинг май-август ойларида мулкчилик шаклидан қатъи назар, сугориладиган майдонларда ғалла етиштирувчи барча субъектлар томонидан ғалла экилган ҳар гектар майдон хисобига республика бўйича ўртacha 2,5 тоннадан ғалланинг биржа савдоларига чиқарилишини таъминлаш учун шахсан масъуллиги белгилаб қўйилсин.

6. Давлат бошқаруви органлари, шу жумладан барча даражадаги маҳаллий ҳокимликлар ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг:

а) бошоқли дон етиширишда агротехник тадбирларни ўтказиш, моддий-техник ресурслар билан таъминлашга;

ажратилган имтиёзли кредитлардан фойдаланиш йўналишларига;

буғдойни сотиш жараёнларига, шу жумладан шартномалар тузишга, хўжаликларни дон тайёрлаш ва қайта ишлаш билан шуфулланувчи маълум корхоналарга бириктириш, республика ҳудудлари ўртасидаги ички ташувларга аралашуви;

б) ғаллачилик кластерлари фаолиятига чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа йўналишларни қўшиш тўғрисида ёзма ёки оғзаки тартибда кўрсатма беришлари қатъян тақиқланади.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

2021-2022 йилларда «Ўздонмаҳсулот» АҚ тизимидағи дон корхоналарини ғаллачилик кластери ташкил этиш таклифини билдирган тадбиркорлик субъектларига сотиш учун баҳолаш ва фаолият йўналишини ўзгартирмаслик шартида очик савдоларга қўйиш;

«Ўздонмаҳсулот» АҚ тизимидағи дон корхоналарига тегишли 20 та уруғлик дон тайёрлаш цехларини ушбу корхоналарнинг солиқ ва Жамғарма олдидаги қарздорлигини (улар бўйича ҳисобланган пенялар, шунингдек, объекtnи ўтказиш натижасида юзага келадиган солиқларни ҳам инобатга олган ҳолда) объекtnинг баҳоланган қиймати микдорига камайтириш ҳисобига Уруғчиликни ривожлантириш марказига бериш ва тўлиқ модернизация қилиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

Бунда, қарздорлик мавжуд бўлмаган ҳолларда объекtlар «Ўздонмаҳсулот» АҚдаги давлат улуси ва «Ўздонмаҳсулот» АҚнинг дон корхоналаридаги улушкини тегишинча камайтириш ҳисобига берилади.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги «Ўздонмаҳсулот» АҚ тизимидағи корхоналар тадбиркорлик субъектларига сотилгандан сўнг, «Ўздонмаҳсулот» АҚни белгиланган тартибда тугатиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсан.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Монополияга қарши курашиб қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 марта қадар барча туманлар марказий дехқон бозорларида буғдой ва бошқа асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархларини «on-line» тарзда кузатиш имконини берувчи электрон платформани ишга туширсин.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишириладиган ерларни, шу жумладан бошоқли доннинг экилиши, унинг ривожланишини учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар) ёрдамида кузатиш ва мониторингини юритиш имконини берувчи электрон платформани ишга туширсин;

«Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойиҳалаш институти ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларининг ве-

тетатив ҳолатини учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида кузатилишини йўлга қўйисин;

«Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институтининг «Ер ахборот тизими» порталида қишлоқ хўжалиги экинларининг жойлаштирилиши, шу жумладан такрорий ва тўқсонбости усулида етиштирилаётган экинлар тўғрисида маълумот берувчи электрон базани шакллантирсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги билан биргаликда бошоқли дон етиштириладиган майдонларда зааркундалар ва касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида тизими кузатувни ташкил этсин, хўжаликлар томонидан экинларни ҳимоя қилиш ишлари ўз вақтида бажарилишини назоратга олсин.

Фавқулодда ҳолатларда ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар хисобидан экинларни ҳимоя қилиш таъминлансан.

12. Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокиммилари экинларни жойлаштириш бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг хўжаликлар томонидан бажарилиши юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширасин.

13. Йқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки хафта муддатда фалла етиштириш ва сотишда бозор тамойилларини жорий этиш жараёнида амалга ошириладиган ишлар бўйича «Йўл харитасини»ни Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

14. Бошоқли дон етиштириш, сотиш ва бугдой нархининг шаклланиши бўйича мазкур қарор билан ўрнатилган тартибни Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг ҳужжатлари билан вақтингчалик тўхтатиб туриш ёки қайта кўриб чиқиш катъян ман этилсан.

15. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, молия вазири Т.А. Ишметов, Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимлари белгилансин.

Карор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Кўчкоров ва Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 15 ноябрь,
ПҚ-10-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

692 «Фиждувон» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Ургут», «Фиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4931-сон Фармони билан ташкил этилган «Фиждувон» эркин иқтисодий зонасининг (кейинги ўринларда — «Фиждувон» ЭИЗ) фаолиятини кенгайтириш ҳамда Бухоро вилоятида курилиш материаллари саноатини ривожлантириш мақсадида:

1. Бухоро вилояти ҳокимлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг:

Пешку ва Қоровулбозор туманлари худудида ушбу қарорга иловада келтирилган 100 гектардан, жами 200 гектар бўш турган ер участкаларини кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан бошқа ер тоифасига ўтказиш; ушбу қарорга иловада келтирилган ер участкаларини белгиланган тартибда давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказган ҳолда, «Фиждувон» ЭИЗ дирекциясига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш орқали «Фиждувон» ЭИЗ худудини кенгайтириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, «Фиждувон» ЭИЗнинг янги худудларида устувор равища курилиш саноатини ривожлантиришга ўналтирилган лойиҳалар амалга оширилади.

3. «Фиждувон» ЭИЗнинг маъмурий кенгаши уч ой муддатда янги худудларнинг бош режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Куйидагилар:

«Фиждувон» ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиша Бухоро вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси — буюртмачи этиб;

Бухоро вилоятининг маҳаллий бюджети маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар «Фиждувон» ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиши молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

5. Белгилансинки:

«Фиждувон» ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳачи ва пурратчи ташкилот танлов асосида аниқланади;

«Фиждувон» ЭИЗнинг ўйл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги «Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5101-сон қарори билан Бухоро вилоятiga ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсанки, унга мувофик:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

«Фиждуон» ЭИЗнинг худудида, шу жумладан янги ташкил этиладиган ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларини ажратиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 дебабрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5600-сон Фармонига мувофиқ электрон онлайн-аукцион орқали амалга оширилади;

«Фиждуон» ЭИЗга ушбу қарорнинг 1-бандида назарда тутилган ер майдонлари ажратилиши билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича тўлана-диган компенсация тўловлари, истисно тариқасида, ундирилмайди.

7. Бухоро вилояти ҳокимлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргалиқда икки йил муддатда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари кисқариб кетишининг олдини олиш мақсадида «Фиждуон» ЭИЗ лойиҳаларини жойлаштириш учун ажратилаётган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларига тенг миқдорда янги ерларни ўзлаштириш чораларини кўрсин.

8. Қуйидагилар:

Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаковга — вазирликлар, идоралар, Бухоро вилояти ҳокимлигининг «Фиждуон» ЭИЗнинг ривожланиши ва самарали фаолият юритиши, шунингдек, унинг худудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларни назорат қилиш;

энергетика вазири А.С. Султановга, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш.С. Хидоятовга, транспорт вазири И.Р. Махкамовга — «Фиждуон» ЭИЗ худудидаги инвестиция лойиҳаларининг обьектлари фойдаланишга топширилгунга қадар зарур муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини ҳамда мавжуд ресурс ва техник имкониятлардан келиб чиқиб, уларга талаб этиладиган ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси етказиб берилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ой муддатда Ҳукуматнинг қўйидагиларни назарда тутивчи тегишли хужжатини қабул қиласин:

Бухоро вилоятида аукцион савдоларига чиқариладиган норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкалари рўйхати;

Бухоро вилоятида 2021 — 2023 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ўналишида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати;

Бухоро вилоятида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ўналишида амалга оширилиши таклиф этилаётган истиқболли инвестиция лойиҳаларининг портфели;

«Фиждуон» ЭИЗга ўтказилаётган худудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини яратиш;

б) уч ой муддатда «Фиждуон» ЭИЗни бошқа туманларда кенгайтириш юзасидан тегишли хужжат лойиҳасини киритсан.

10. Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги икки ой муддатда манфатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик хужжатларига

ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташки савдо вазирининг биринчи ўринbosари А.Б. Воитов ва Бухоро вилояти ҳокими Б.К. Зарипов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринbosари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида 2022 йилнинг 1 февраль ва 1 июль санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 17 ноябрь,
ПҚ-13-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 17 ноябрдаги
ПҚ-13-сон қарорига
ИЛОВА

Пешку ва Қоровулбозор туманларидағи «Ғиждувон» эркин иқтисодий зонаси таркибиға ўтказилаётган ҳудудларнинг ЧЕГАРАЛАРИ

1. Пешку тумани, «Жонгелди» МФЙдаги ер майдони, қуйидаги чегаралар билан:

шарқий томондан — «Жонгелди» МФЙ ҳудудидан ўтувчи A380 «Фузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу» автомобиль йўли;

шимолий томондан — «Жонгелди» МФЙ ҳудудидан ўтувчи A380 автомобиль йўли;

жанубий томондан — аҳоли пункти;

ғарбий томондан — очик майдон.

2. Қоровулбозор тумани, «Бўзачи» МФЙдаги ер майдони, қуйидаги чегаралар билан:

шарқий томондан — A380 «Фузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу» автомобиль йўлининг «Бўзачи» МФЙ ҳудуди;

шимолий томондан — A380 «Фузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу» автомобиль йўли;

жанубий томондан — аҳоли пункти;

ғарбий томондан — очик майдон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

693 Электрон тижорат маъмурчилигини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш тўғрисида*

Тадбиркорларнинг муаммо ва таклифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2021 йил 20 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулокоти доирасида белгиланган масалалар ижросини таъминлаш, шунингдек, электрон тижорат соҳасидаги платформалар фаолиятини кўллаб-куватлаш ҳамда аккредитив бўйича ҳисоб-китоб тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг электрон тижоратнинг «Очиқ рақамли экотизими» ахборот тизимлари мажмуасини (кейинги ўринларда — Рақамли экотизим) 2022 йил 1 июлдан бошлаб тўлиқ ишга тушириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Электрон кооперация портали маркази Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қошидаги Рақамли трансформация маркази (кейинги ўринларда — Марказ) этиб қайта ташкил этилсин.

2. Марказ зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

Рақамли экотизимни шакллантириш ва унинг оператори функцияларини бажариш;

мулкчилик шаклидан, идоравий ва тармоққа мансублигидан, ҳудудий жойлашувидан қатъи назар, электрон тижорат платформаларига ўзининг мижозлар базасидан тенг фойдаланиши ҳамда уларга хизматлар кўрсатилиши учун шароитлар яратиш;

Рақамли экотизимнинг «эскроу» тизими функцияларини бажариши муносабати билан битта шахсий ҳисобваракдан ҳисоб-китоблар ва тўловлар ҳамда томонларнинг шартнома мажбуриятлари кафолатли (аккредитив тамойили бўйича) бажарилишини таъминлаш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Рақамли экотизимга интеграциялашган электрон тижорат платформаларида товарлар ва хизматларни сотиш тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилиши шарт. Бунда, нархи кўрсатилмаган товар ва хизматларни сотиб олиш бўйича битимлар тузишга йўл қўйилмайди;

2024 йил 1 январга қадар Рақамли экотизимга интеграциялашган электрон тижорат платформалари операторлари учун фойда солиги ставкаси 50 фоизга камайтирилади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

товарлар (хизматлар) электрон савдосини амалга оширувчи солиқ тўловчилар учун, улар Электрон тижорат иштирокчиларининг миллий реестрига киритилган ёки киритилмаганлигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 337 ва 467-моддаларига мувофиқ фойда солиfi ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича пасайтирилган солиқ ставкалари қўлланилади.

Молия вазирлиги икки ой муддатда мазкур банддан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Махкамасига киритсин.

4. Электрон тижоратнинг «Очиқ рақамли экотизими»ни ташкил этиш бўйича «Йўл харитаси» иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

5. Марказ Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2022 йил 1 июля га қадар Рақамли экотизим орқали солиқ органларига реал вақт режимида маълумотларни узатиш имконини берувчи электрон маълумотлар базаларининг ўзаро интеграциясини таъминласин.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги икки ой муддатда манфатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги манфатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарор мазмун ва моҳиятининг, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали кенг тушунтирилишини таъминласин.

8. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б. Воитов белгилансин.

Қарор ижросини мухокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаoliyatiни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

III. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 17 ноябрь,
ПҚ-14-сон

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

694 Тошкент шаҳрида сұғориладиган ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиширишда бошқарув тизими-ни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш ва мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланишда бошқарув тизимини жорий этиш, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш мақсадида:

1. Кўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 8 сентябрдаги 443-IV-сон ва Сенатининг 2020 йил 11 сентябрда-ги СҚ-135-IV-сон «Тошкент вилояти Зангиота, Қўйи Чирчик, Янгийўл ва Ўрта Чирчик туманларининг, Тошкент шаҳри Сергели ва Бектемир туман-ларининг, шунингдек, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрининг чегарала-рини ўзгартириш ҳамда Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт туманини таш-кил этиш тўғрисида»ги қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 16 августдаги 1290-IV-сон ва Сенатининг 2021 йил 27 августда-ги СҚ-379-IV-сон «Тошкент вилоятининг Зангиота, Юқори Чирчик, Ўрта Чирчик ва Қибрай туманлари ҳамда Тошкент шаҳрининг Сергели, Бекте-мир, Мирзо Улубек ва Яшнобод туманларининг, шунингдек Тошкент ви-лояти ва Тошкент шаҳри чегараларини ўзгартириш тўғрисида»ги қарорла-ри қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра, Тошкент вилоятидан Тош-кент шаҳри Бектемир, Сергели, Яшнобод, Мирзо Улубек ва Янгиҳаёт туманларига ўтказилаётган сұғориладиган ер майдонлари, боғлар ва токзор-ларда (кейинги ўринларда — ўтказилаётган ер майдонлари):

мавжуд ер майдонлари ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, маҳсулот етишириш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмини ошириш учун қишлоқ хўжалиги экинлари яхлит майдонларга плантация усулида жойлаштирилади. Бунда, ҳар бир ҳудуднинг ихтисослашуви, тупроқ-иқлим шароити, ерларнинг мелиоратив ҳолати, унумдорлиги, сув билан таъминланганлигини ҳисобга олиб экспортбоп ва сердаромад қишлоқ хўжалиги маҳсу-лотларини етишириш йўлга қўйилади;

ахоли ишсизлигини камайтириш мақсадида ажратилаётган ҳудудларда-ги 20 гектардан кам бўлмаган ерларда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томо-нидан плантация усулида замонавий технологиялар асосида интенсив боғ ва токзорлар барпо этилиб, лизинг асосида етти йил муддатга ахолига бе-рилади.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 ноябрда эълон қилинган.

Бунда, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л. Кудратов) тижорат банклари билан биргаликда Тошкент шаҳри Бектемир, Сергели, Яшнобод, Мирзо Улубек ва Янгиҳаёт туманларида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштиришда тижорат банклари кредитлари, халқаро молия институтларининг кредит линиялари маблағларини жалб этиш чораларини кўради.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев) Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж. Артиходжаев), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев), Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А. Хайтов) билан биргаликда ўтказилаётган ер майдонларида:

хар бир ҳудуднинг ихтисослашуви, тупроқ-иқлим шароити, ерларнинг мелиоратив ҳолати, унумдорлиги, сув билан таъминланганлигини ҳисобга олиб ҳамда қайта ишловчи, тайёрловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларнинг талабларидан келиб чиқкан ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари тўлиқ экилишини таъминлаш;

қайта ишлаш ва экспорт ҳажмларини уч бараварга ошириш учун қайта ишлаш ташкилотлари, музлаткичли омборхоналар ва логистика марказларини 2021-2022 йиллар давомида тўлиқ ишга тушириш ҳамда уларнинг ишлашини таъминлаш чораларини кўрсин.

4. Белгилансинки:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида 10 та штат бирлигидан иборат Тошкент шаҳар қишлоқ хўжалиги бошқармаси ташкил этилади;

ўтказилаётган ер майдонларида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ҳавфсизлиги соҳасида қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши ва уларнинг ижроси устидан назорат қилиш вазифаси Бош прокуратуранинг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасига юклатилади. Бунда, Бош прокуратуранинг мазкур бошқармасига қўшимча 2 та штат бирлиги ажратилади;

Тошкент шаҳар қишлоқ хўжалиги бошқармасининг ва Бош прокуратуранинг штат бирликлари Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси ва Зангиота, Ўрта Чирчик, Юқори Чирчик ҳамда Қиброй туманлари қишлоқ хўжалиги бўлимларининг жами 12 нафар штат бирликларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент шаҳар қишлоқ хўжалиги бошқармасини Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ислом Каримов кўчаси, 55-ий манзилидаги бинога оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштириш ҳамда моддий-техника воситалари билан таъминласин.

6. Белгилансинки:

экин майдонлари ўзбошимчалик билан эгалланишининг олдини олиш, қишлоқ хўжалиги техниклари ҳолатини назорат қилиш, минерал ўғитларнинг мақсадли ишлатилишини, пахта ва ғалла ҳосилини ўифиб олишда жамоат тартиби, йўл харакати ҳавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган ички ишлар вазирининг ўринбосарига мазкур соҳадаги фаолиятни амалга ошириш борасида Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқарма-

си бошлигининг ўринбосари — жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи бўйсундирилади;

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасида ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида 5 нафар ходимдан иборат бўлим ташкил этилади.

7. Белгилаб қўйилсинки, ўтказилаётган ер майдонларида:

ерлардан фойдаланишни ташкил этиш ва муҳофаза қилиш соҳасида самарали давлат назорати Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бошқармаси томонидан амалга оширилади;

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун кафолатланган сув билан таъминлаш чоралари кўрилади;

фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг қишлоқ хўжалиги бўйича барча кўрсаткичлари Тошкент шаҳрининг тегишли туман статистика бўлимлари орқали ҳисобга олинади;

ер майдонларини бошқа ер фонди тоифасига ўтказиш факат қонунчиликда белгиланган тартибда компенсация тўловлари тўлиқ ундирилган тақдирда амалга оширилади.

8. Кўйидагилар:

Тошкент шаҳри туманларида 2022 йил ҳосили учун асосий майдонларга қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ;

Тошкент шаҳри туманларида 2022 йилда асосий майдонларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 1а-иловага* мувофиқ;

Тошкент шаҳри туманларида 2022 йил ҳосили учун асосий майдонларга сабзавот экинларини экиш муддатлари бўйича жойлаштириш кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ;

Тошкент шаҳри туманларида 2022 йилда асосий майдонларда етиштириладиган сабзавотларнинг прогноз кўрсаткичлари 2a-иловага* мувофиқ;

Тошкент шаҳри туманларида 2022 йилда эртаки экинлардан ва ғалладан бўшайдиган майдонларга қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш кўрсаткичлари 3-иловага* мувофиқ;

Тошкент шаҳри туманларида 2022 йилда эртаки экинлардан ва ғалладан бўшайдиган майдонларда тақорорий етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг прогноз кўрсаткичлари За-иловага* мувофиқ;

Тошкент шаҳри туманларида 2022 йилда асосий майдонлар, боғ ва ток қатор оралари ҳамда ғалладан бўшайдиган майдонларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун талаб этиладиган уруғлик, минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш материаллари ҳажмлари ва маблағлари ҳисоб-китоби 4-иловага* мувофиқ;

Тошкент шаҳри туманларида 2022 йилда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилишнинг прогноз кўрсаткичлари 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Фаниева мазкур бандга мувофиқ тасдиқланаётган кўрсаткичларга ўзгартериш киритиш ваколати берилсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж. Артиқходжаев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев), Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаси (А. Хайтов) билан биргаликда бир ой муддатда:

Бектемир, Сергели, Яшнобод ва Мирзо Улуғбек туманларида фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиширувчилар билан уларнинг фойдаланувида бўлган ерлар ижараси бўйича ижара шартномасини қайта расмийластиришга амалий ёрдам берсин;

ер ижараси шартномаси амалдаги ердан фойдаланувчи билан илгари тузилган шартномада кўрсатилган муддатнинг қолган қисмига тузилишини таъминласин.

10. Давлат солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда Тошкент шаҳрига ўтказилган ер майдонларини ер фонди тоифалари, турлари, ердан фойдаланувчилар бўйича контурлар кесимида, шунингдек, мавжуд барча бино-иншоотлар, қурилмалар, шу жумладан аҳолининг яшаш жойларини уларнинг эгалари кесимида қайта хатловдан ўтказсин ва хатлов якунларига кўра тегишли масштабдаги хариталарини янгиласин.

11. Қўйидагиларга:

қишлоқ хўжалиги вазири Ж. Ходжаев зиммасига — қишлоқ хўжалиги мўлжалланган ерлардан фойдаланишни ташкил этиш ва муҳофаза қилиш соҳасида самарали давлат назоратини амалга ошириш юзасидан;

Тошкент шаҳар ҳокими Ж. Артиқходжаев зиммасига — қишлоқ хўжалиги ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг бошқа ер фонди тоифасига ноконуний ўтказилишига йўл қўймаслик юзасидан;

Бектемир, Сергели, Яшнобод, Мирзо Улуғбек ва Янгиҳаёт туманлари ҳокимлари зиммасига — туман ҳудудларига ўтказилган қишлоқ хўжалиги ерларида фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширувчилар билан шартномалар тузилишини таъминлаш юзасидан жавобгарлик юклатилсин.

12. Бош прокуратура (Ш. Рахимов) Тошкент шаҳрига ўтказилган, шунингдек, илгари берилган ер участкаларидан самарали ва оқилона фойдаланилиши устидан мунтазам равишида назорат олиб борилишини ҳамда ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини содир этган шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўрилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомилластиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5006-сон қарорига 6-иловага мувофиқ ўзгартеришлар ва қўшимча киритилсин.

14. Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳокимлклари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу карордан келиб чиқадиган ўзгартериш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж. Ходжаев, Тошкент шаҳар ҳокими Ж. Артиходжаев ва Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи З. Мирзаев белгилансин.

Карор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 18 ноябрь,
ПҚ-17-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 18 ноябрдаги
ПҚ-17-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил
24 февралдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган
ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини
такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида» ПҚ-5006-сон қарорига киритилаётган
ўзгартеришлар ва қўшимча**

1. 4-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳrirда баён этилсин:
«Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ту-
зилмаси, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг намунавий тузил-
маси ва Тошкент шаҳар қишлоқ хўжалиги бошқармасининг тузилмаси 3,
4 ва 4a-иловаларга мувофиқ».

2. 1-илованинг «Вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари» блоки
«Вилоятлар ва Тошкент шаҳар қишлоқ хўжалиги бошқармалари» блоки
 билан алмаштирилсин.

3. Қўйидаги мазмундаги 4a-илова* билан тўлдирилсин.

* 4a-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

695 Тошкент вилояти телерадиоканалини ташкил этиш тўғрисида*

Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва яратилаётган имкониятлардан ахолининг хабардорлик даражасини кенгайтириш, шунингдек, ҳудуд тарихи, урф-одат ва анъаналари, бой табиати ва туризм салоҳиятини кенг тарғиб этиш ҳамда минтақада таъсирчан медиа макон яратишни кўллаб-куватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида Тошкент вилояти телерадиоканали — «Nurafshon TV» (кейинги ўринларда — Тошкент вилояти телерадиоканали) ташкил этилсин.

2. Куйидагилар Тошкент вилояти телерадиоканалининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Тошкент вилоятининг ижтимоий-сиёсий, социал-иктисодий ва маданий-маърифий ҳаётида рўй берадиган ислоҳотлар, фаровонлик, тараққиёт ва бунёдкорлик йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳамда яратилган имкониятлар ҳақида ахолини мунтазам хабардор қилиб бориш;

жойларда ислоҳотларни амалга оширишга тўсик бўлаётган омилларни кенг жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқиш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар фаолияти юзасидан самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

ахолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш, сифатли давлат хизматларини кўрсатиш ва улардан самарали фойдаланиш масалаларини телевизион-радиодастур орқали ёритиш;

худуднинг тарихи, маданияти, санъати, адабиёти ва урф-одатлари, бой табиати, сўлим гўшалари ва туризм салоҳиятини акс эттирувчи, уларни ўрганиш, асрар-авайлаш ва кенг тарғиб қилишга йўналтирилган кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш;

ахолининг интеллектуал ва маданий савиясини ошириш, фуқароларнинг онгига демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, ёшлар ва ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик, умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш ва миллатлараро тутувлик руҳида тарбиялашни тарғиб қилиш;

давлат ва нодавлат телерадиокомпаниялар, ахборот агентликлари, шунингдек, ҳалқаро ташкилотлар билан ахборот алмасиши бўйича самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш.

3. Белгилансинки:

Тошкент вилояти телерадиоканали давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади;

Тошкент вилояти телерадиоканали ўз телевизион-радиодастурлари билан

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 ноябрда эълон қилинган.

кечаю кундуз узлуксиз равиша эфирга чиқади;

Тошкент вилояти телерадиоканали ходимларининг чекланган штатлари сони 69 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 4 нафардан иборат бўлади;

Тошкент вилояти телерадиоканалининг ташкилий тузилмаси Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидағи тегишили ташкилотларнинг тузилмасини мақбуллаштириш ва мавжуд штатларни қисқартириш ҳисобига ташкил этилади;

Тошкент вилояти телерадиоканали ташкилий тузилмаси Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси томонидан тасдиқланади;

Тошкент вилояти телерадиоканали ходимларига Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида фаолият юритаётган телерадиоканаллар ходимлари учун қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатга ҳак тўлаш ва моддий рағбатлантириш шарт-шароитлари татбиқ этилади.

4. Тошкент вилояти маъмурий маркази — Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти телерадиоканали учун комплекс бино (кейинги ўринларда — Объект) қуришга 1,3 гектар ер майдони ажратилганлиги ҳамда қурилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари амалга оширилиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Тошкент вилояти ҳокимлиги (З.Т. Мирзаев) Объектда қурилиш-монтаж ва унинг ҳудудида ободонлаштириш ишларининг сифатли бажарилишини таъминласин. Бунда, оптик толали алоқа линияси қуришда «Ўзбектелеком» АК техник шартлари инобатга олинсин.

6. Қурилиш вазирлиги (Б.И. Закиров) Объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказсин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан давлат назоратини ўрнатсан.

7. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (А.Ж. Хаджаев) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев), Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов), Тошкент вилояти ҳокимлиги (З.Т. Мирзаев) билан биргаликда объект қурилишини ташкил этиш ва жадаллаштириш, замонавий студия комплекси ва кўчма телевизион станция учун талаб этиладиган маблағлар 2022–2023 йиллар ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Тошкент вилояти телерадиоканалини технологик жиҳозлаш учун белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхатларга мувофиқ олиб кириладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган импорт товарлар — мультимедиа, радиотелевизион ускуналари, материаллар, дастурий таъминот ва эҳтиёт қисмлари 2024 йил 1 январга қадар божхона божидан озод қилинсин.

9. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар:

а) Тошкент вилояти ҳокимлиги (З.Т. Мирзаев) вилоятда рўй берадиган кунлик воқеа-ҳодисаларни тезкор ёритувчи ва ҳудудда ишловчи телерадиоканалнинг ижодий ходимларига шарт-шароит яратсан ва уларга вақтинчалик фойдаланиш учун текин фойдаланиш хуқуки асосида етарли хоналар ажратсан;

б) Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (А.Ж. Хаджаев):

Тошкент вилояти телерадиоканалини Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига тегишли биноларга вақтингча текин фойдаланиш хуқуки асосида жойлаштирсин, зарур бўлган бирламчи воситалар билан жиҳозласин ва ижодий-техник ходимлар ишлаши учун етарли шароит яратсин;

Тошкент вилояти телерадиоканали фаолияти «Toshkent» телерадиоканали эфири билан параллел равишда олиб борилишини ташкил этсин;

Тошкент вилояти телерадиоканалининг имижи, лейбли, видеолавҳали каби асосий таниқлик белгиларини ишлаб чиқсан;

ижодий-техник гурух тузган ҳолда Тошкент вилояти телерадиоканали эфирида Тошкент вилоятининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига оид бўлган воқеа-ходисаларни ёритиб борувчи асосий кундалик информацион дастурни тайёрлаб борсин;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидағи радиоканалларнинг бирида Тошкент вилояти билан боғлик бўлган воқеа ва ҳодисаларни ёритиб бориш учун алоҳида эфир вақти ажратсин.

Белгилансинки, Тошкент вилояти телерадиоканалини малакали кадрлар билан таъминлаш, заруратга қараб, босқичма-босқич амалга оширилади.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х. Шерматов) Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (А.Ж. Хаджаев) билан биргаликда 2022–2023 йиллар давомида:

Тошкент вилояти телерадиоканали эфир сигналини ракамли телевиденинг умумий фойдаланиладиган ижтимоий пакетида Тошкент вилояти худудига тўлиқ етказсин;

Тошкент вилояти телерадиоканалининг радио йўналиши учун алоҳида частота ажратиш ва радио фаолиятини олиб бориш учун техник шароит яратсин.

11. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) 2022 йилдан бошлаб, Тошкент вилояти телерадиоканали фаолиятини ҳамда телевидение ва радиоэшиттириш дастурлари сигналларини узатиш ва тарқатиш хизматларини молиялаштириш учун Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларни назарда тутсин.

12. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ёшлар иттифоқи, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг:

«Yoshlar», «Navo» ва «Kinoteatr» телеканаллари ихтисослаштирилган реклама хусусиятига эга бўлган канал сифатида фаолият кўрсатишига рухсат бериш;

«Ўзбекистон» телерадиоканалида «Қишлоқ хўжалиги» таҳририятини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Бунда:

«Yoshlar», «Navo» ва «Kinoteatr» телеканаллари томонидан умум эътироф этилган ахлоқий меъёрларга риоя қилиш, миллий урф-одатлар, тарихий ва маънавий меросни қадрлаш, фуқароларнинг онгидаги демократик қадриятларни шакллантириш, ёш авлодни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган телевизион дастурлар тайёрлашга эътибор қаратилсин;

Кишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (Б.Т. Норқобилов), Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (Б.Қ. Шарипов), Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (А.Ж. Хаджаев), аграр ва озиқ-овқат соҳасининг бошқа ташкилотлари қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, экин экиш ва парваришлаш агротехникаси, ер ва сувдан оқилона фойдаланиш, чорвачилик, ветеринария, балиқчилик, пиллачилик, паррандачилик, асаларичилик, бодорчилик, сабзавотчилик ва иссиқхона хўжалиги каби масалалар бўйича «Қишлоқ хўжалиги» таҳририяти томонидан телерадиомахсулотлар тайёрланиши ва эфирга узатилишига кўмаклашсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси А.Ж. Хаджаев ҳамда Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи З.Т. Мирзаев белгилансин.

Карор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 18 ноябрь,
ПҚ-18-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
КАРОРИ

696 Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тартиби тўғри- сидағи низомни тасдиқлаш ҳақида*

«Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, геном бўйича давлат рўйхатига олиш тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **карор қиласи**:

1. «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги геном бўйича давлат рўйхатига олиш соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгиланганлиги ҳамда унга геном бўйича ихтиёрий ва мажбурий равишда давлат рўйхатига олишни амалга оширишга доир вазифалар юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:

геном бўйича давлат рўйхатига олиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва муассасалари рўйхати, геном бўйича давлат рўйхатини юритишнинг мақсади;

геном бўйича мажбурий ва ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олиш тартиби ҳамда геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олишни амалга оширганлик учун ундириладиган ҳақ микдори;

биологик материални олиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, бериш ва йўқ қилиш тартиби;

геномга оид ахборотни йиғиш, унга ишлов бериш, ундан фойдаланиш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби.

3. Белгилансинки:

хар бир шахсни геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олиш учун базавий хисоблаш микдорининг 7 баравари микдорида ҳақ ундирилади;

геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олиш натижасида келиб тушган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига йўналтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Соғликни сақлаш вазирлигининг асослантирилган хисоб-китобларига кўра геномга оид ахборотни олиш учун зарур кимёвий

* Ушбу карор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

реагентлар ва сарфлаш материалларини харид қилиш бўйича давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор 2023 йил 1 январдан кучга киради.

6. Мазкур карорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобоҷонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 17 ноябрь,
689-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 17 ноябрдаги 689-сон қарорига
ИЛОВА

**Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ геном бўйича давлат рўйхатига олиш тартибини белгилайди.

2. Геном бўйича давлат рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Эксперт-криминалистика бош маркази (кейинги ўринларда — Эксперт-криминалистика бош маркази) томонидан юритилади.

3. Геном бўйича давлат рўйхатига олиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва муассасалари (кейинги ўринларда — ваколатли органлар) қўйидагилардан иборат:

Эксперт-криминалистика бош маркази;

терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ва суд;

ички ишлар органларининг жазони ижро этиш муассасалари ва пребация хизматлари;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги хамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат суд-экспертиза муассасалари (кейинги ўринларда — давлат суд-экспертиза муассасалари).

4. Геном бўйича давлат рўйхатига олиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг карорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, карорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

нинг қарорларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик хужатларига мувофиқ амалга оширилади.

5. Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга ошириш инсоннинг ҳаётига, соғлигига хавф туғдирмаслиги, унинг шаъни, қадр-қимматини камситмаслиги керак.

6. Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширишда геномга оид ахборот, шунингдек, одамнинг шахси ҳақидаги маълумотларни шахс ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз ошкор қилишга йўл қўйилмайди, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ва суднинг сўровига биноан тақдим этиш ҳоллари бундан мустасно.

7. Геном бўйича мажбурий ва ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олиш ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

8. Муқаддам геном бўйича давлат рўйхатидан ўтган шахс оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айланувчи сифатида жалб қилинган тақдирда, геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга ошириш учун ундан биологик материал олинмайди.

Муқаддам геном бўйича давлат рўйхатидан ўтган шахсдан такrorий биологик материал олинишига йўл қўймаслик мақсадида жазони ижро этиш муассасаси, пробация хизмати, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд органлари томонидан қўйидаги шахсларнинг геномга оид ахбороти Геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасида (кейинги ўринларда — Ягона маълумотлар базаси) мавжудлигини текшириш учун Эксперт-криминалистика бош марказига сўров хати юборилиши шарт:

оғир ва ўта оғир жиноятларни, жинсий эркинликка қарши жиноятларни, шунингдек, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш, ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузук харакатлар қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун хукм қилинган шахслар;

оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айланувчи сифатида жалб қилинган шахслар.

2-боб. Геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олишни амалга ошириш тартиби

9. Кўйидагилар геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олинади:

оғир ва ўта оғир жиноятларни, жинсий эркинликка қарши жиноятларни, шунингдек, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш, ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузук харакатлар қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун хукм қилинган шахслар (кейинги ўринларда — хукм қилинган шахслар);

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

оғир ва ўта оғир жиноят содир этишда гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар;

терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида биологик материали олинган аниқланмаган шахслар (кейинги ўринларда — аниқланмаган шахслар);

таниб олинмаган мурдалар (тана қолдиқлари, қисмлари).

Суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ҳукм қилинган шахсларни геном бўйича давлат рўйхатига олиш учун асос ҳисобланади.

Таниб олинмаган мурдаларни (тана қолдиқлари, қисмларини), оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахсларни, шунингдек, биологик материали терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида олинган аниқланмаган шахсларни геном бўйича давлат рўйхатига олиш терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органларнинг карори ёки суднинг ажримига асосан амалга оширилади.

10. Таниб олинмаган мурдаларнинг (тана қолдиқлари, қисмлари) ҳамда аниқланмаган шахсларнинг терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида олинган биологик материали олингандан 30 кун мобайнида бошка йўллар билан уларнинг шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олинади.

11. Биологик материал:

ҳукм қилинган шахслардан — маҳкум сақланаётган (жазони ўтаётган) жазони ижро этиш муассасасининг ёки пробация бўлинмасининг масъул ходими иштирокида мазкур муассасанинг тиббиёт бўлинмаси ходими томонидан бевосита ёки давлат суд-экспертиза муассасаларининг мутахassisларини жалб этган холда;

оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган ва аниқланмаган шахслардан, шунингдек, таниб олинмаган мурдалардан (тана қолдиқларидан, қисмларидан) — терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси томонидан бевосита ёки (ва) унинг иштирокида давлат суд-экспертиза муассасаларининг мутахassisларини жалб этган холда олинади.

12. Жазони ижро этиш муассасалари бошлиқлари:

озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган ҳукм қилинган шахслар орасидан геном бўйича мажбурий равишида давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган шахсларнинг рўйхати шакллантирилишини ва уларнинг мұқаддам геном бўйича давлат рўйхатига олингандигини текшириш учун Эксперт-криминалистика бош марказига сўров хати орқали тақдим этилишини таъминлайди;

Эксперт-криминалистика бош марказидан геном бўйича мажбурий равишида давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларни олгач, ушбу шахслардан биологик материалларни «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига

ва мазкур Низомда белгиланган қоидаларга қатъий риоя этган ҳолда олинишини ташкил этади;

жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган ҳукм қилинган шахсларга оид шахсий маълумотларнинг тўғрилигини назорат қилади;

геномга оид ахборотни олиш учун биологик материал ва биологик материалнинг ахборот картасини давлат суд-экспертиза муассасаларида йўлланма хат орқали юборилишини таъминлайди, шу жумладан, камчиликлари аниқланган тақдирда, уларни бартараф қилиш чораларини кўради;

биологик материал ахборот картасининг иккинчи нусхаси маҳкумнинг йифмажилдига қўшиб қўйилишини таъминлайди.

Геном бўйича давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган ҳукм қилинган ҳар бир шахснинг биологик материали ва биологик материалнинг ахборот картаси алоҳида йўлланма хат билан юборилиши ҳамда унда юборилаётган биологик материалдан олинган геномга оид ахборотни Ягона маълумотлар базасига киритилиши лозимлиги кўрсатилиши шарт.

13. Пробация хизматининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари:

ўзи раҳбарлик қилаётган бўлинмада озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони ўтаётган, пробация ҳисобида бўлган ҳукм қилинган шахсларнинг рўйхати шакллантирилишини ва уларнинг илгари геном бўйича давлат рўйхатига олинганлигини текшириш учун сўров хати орқали Эксперт-криминалистика бош марказига тақдим этилишини таъминлайди;

Эксперт-криминалистика бош марказидан геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган шахслар хақидаги маълумотларни олгач, ушбу шахслардан биологик материалларни «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талабларига ва мазкур Низомда белгиланган қоидаларга қатъий риоя этган ҳолда олинишини ташкил этади;

геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган ҳукм қилинган шахсларга оид шахсий маълумотларнинг тўғрилигини назорат қилади;

геномга оид ахборотни олиш учун биологик материал ва биологик материалнинг ахборот картасини давлат суд-экспертиза муассасаларида йўлланма хат орқали юборилишини таъминлайди, шу жумладан, камчиликлари аниқланган тақдирда, уларни бартараф қилиш чораларини кўради;

биологик материал ахборот картасининг иккинчи нусхасини маҳкумнинг йифмажилдига қўшиб қўйилишини таъминлайди.

Геном бўйича давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган ҳукм қилинган ҳар бир шахснинг биологик материали ва биологик материалнинг ахборот картаси алоҳида йўлланма хат билан юборилиши ҳамда унда юборилаётган биологик материалдан олинган геномга оид ахборотни Ягона маълумотлар базасига киритилиши лозимлиги кўрсатилиши шарт.

14. Терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахслари:

оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахсларни мұқаддам геном бўйича давлат рўйхатига олинганилигини текшириш учун уларнинг рўйхатини сўров хати орқали Эксперт-криминалистика бош марказига юборадилар;

Эксперт-криминалистика бош марказидан Ягона маълумотлар базасида геном бўйича мажбурий давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган шахснинг геномга оид ахбороти мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотни олгач, оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахслардан биологик материални «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ҳамда ушбу Низомда белгиланган қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда олинишини ташкил этади;

таниб олинмаган мурдалардан (тана қолдиқлари, қисмлари) ҳамда аниқланмаган шахслардан биологик материални «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ҳамда ушбу Низомда белгиланган қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда олинишини ташкил этади;

ушбу шахсларга оид шахсий маълумотларнинг тўғрилигини назорат килади;

геномга оид ахборотни олиш учун биологик материал ва биологик материалнинг ахборот картасининг бир нусхасини, одам ДНКсининг суд-биологик экспертизасини (кейинги ўринларда — экспертиза) тайинлаш ҳақидаги қарорни йўлланма хат билан бирга давлат суд-экспертиза муассасаларига юборилишини таъминлайди, шу жумладан, камчиликлари аниқланган тақдирда, уларни бартараф қилиш чораларини кўради;

биологик материал ахборот картасининг иккинчи нусхасини жиноят иши (терговга қадар текширув) хужжатларига қўшиб қўяди.

Экспертиза қарорида юборилаётган биологик материалдан олинган геномга оид ахборотни Ягона маълумотлар базасига мажбурий равишда киритилиши лозимлиги кўрсатилиши шарт.

15. Давлат суд-экспертиза муассасалари бошлиқлари:

геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган шахслар ва таниб олинмаган мурдалардан (тана қолдиқлари, қисмлари) олинган биологик материал ва биологик материалнинг ахборот карталари «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ҳамда ушбу Низомга мувофиқ расмийлаштирилганлиги текширилишини, қабул қилинишини ва рўйхатга олинишини ташкил этади;

геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган шахслар ва таниб олинмаган мурдалардан (тана қолдиқлари, қисмлари) олинган биологик материалдан геномга оид ахборотни олиш мақсадида экспертиза ёки тадқиқот ўтказилишини, улар натижасида олинган геномга оид маълумотларнинг тўғрилигини, шунингдек, геномга оид ахборот карта-

си ушбу Низом тартибига ва ошкор этмаслик принципига мувофиқ расмийлаштирилишини ҳамда сақланишини назорат қилади;

экспертиза ёки тадқиқот ўтказиш натижасида олинган геномга оид ахборот экспертиза ёки тадқиқотни ўтказган мансабдор шахс (эксперт) томонидан геномга оид ахборот картаси тўлдирилишини таъминлайди;

геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган шахслар ва таниб олинмаган мурдалардан (тана қолдиқлари, қисмлари) олинган геномга оид ахборотнинг Ягона маълумотлар базасидаги мавжуд геномга оид ахборотлар билан таққосланишини таъминлайди;

геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган шахс ва таниб олинмаган мурдалардан (тана қолдиқлари, қисмлари) олинган биологик материалнинг ахборот картаси ҳамда геномга оид ахборот картаси йўлланма хат билан Ягона маълумотлар базасига киритиш учун Эксперт-криминалистика бош марказига ошкор этмаслик принципига мувофиқ қофоз шаклида юборилишини таъминлайди. Геномга оид ахборот Эксперт-криминалистика бош марказидаги Ягона маълумотлар базасига интеграция қилинган тизим орқали электрон шаклда юборилади.

16. Эксперт-криминалистика бош маркази бошлиғи:

ваколатли органлар томонидан тақдим этилган сўров хатларини кўриб чиқиб, Ягона маълумотлар базасида сўров хатида келтирилган шахсларнинг геном ахбороти бор-йўқлиги текширилишини ҳамда геном бўйича давлат рўйхатига мажбурий олиниши лозим бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларни сўров хати юборган органга уч иш кунида тақдим этилишини таъминлайди;

ваколатли органлар томонидан тақдим этилган геномга оид ахборот, биологик материалнинг ахборот картаси ҳамда геномга оид ахборот картасининг «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ҳамда ушбу Низомга мувофиқ расмийлаштирилганлиги текширилишини, қабул қилинишини ва рўйхатга олинишини ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан тегишли ваколатли органга мазкур Низомга 2-илова^{*} мувофиқ тузилган маълумотнома тақдим этилишини таъминлайди;

мазкур Низом қоидаларига ва ошкор этмаслик принципига мувофиқ геномга оид ахборотга ишлов берилишини назорат қилади;

алоҳида тўртта тоифадан иборат бўлган Ягона маълумотлар базаси шакллантирилишини ташкил этади;

геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олинган шахсларнинг (биологик материал ва геномга оид ахборот) карталари картотекада сақланишини таъминлайди;

Ягона маълумотлар базасига янги киритилган ҳукм қилинган, оғир ва ўта оғир жиноят содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган ҳамда аниқланмаган шахсларнинг геномга оид ахборотнинг фош этилмаган жиноятлар бўйича муқаддам киритилган геномга оид ахборотлар билан таққосланишини ҳамда фош

* 2-илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

этилмаган жиноятлар бўйича шахс идентификация қилинган тақдирда тегишли ваколатли органга мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ тузилган маълумотнома тақдим этилишини таъминлайди;

Ягона маълумотлар базасида геномга оид ахборотларга оид номувофиқлик ёки хатоликлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш чораларини кўришни ташкил этади;

Ягона маълумотлар базаси фаолиятини назорати ҳамда моддий-техник ва услубий таъминотини амалга оширади.

17. Йўлланма хатда, экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда (ажрим) ҳамда биологик материалнинг ахборот картасида биологик материалнинг эгаси ҳақидаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилиши шарт.

18. Геном бўйича давлат рўйхатига олиш учун биологик материалнинг ахборот картаси юборилмаган биологик материал давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан экспертиза ўтказиш учун қабул қилинмайди.

Биологик материалнинг ахборот картаси ҳамда геномга оид ахборотнинг картаси юборилмаган геномга оид ахборот Эксперт-криминалистика бош маркази томонидан давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

3-боб. Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олиш тартиби

19. Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олиш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг (кейинги ўринларда — ариза берувчи) ёзма аризасига кўра пуллик асосда амалга оширилади.

Вояга етмаганларни ҳамда суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларни геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олиш уларнинг қонуний вакилларининг ёзма аризасига кўра пулли асосда амалга оширилади.

Бунда давлат суд-экспертиза муассасалари ариза берувчига геном бўйича давлат рўйхатига олиниши зарурати юзасидан ўз фикрини ва мақсадини билдириши учун имконият бериши шарт.

20. Ариза берувчи геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олиш учун давлат суд-экспертиза муассасаларига мазкур Низомга 3-иловага* мувофиқ ёки унинг қонуний вакили мазкур Низомга 4-иловага* мувофиқ шаклдаги ариза тақдим этади.

Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатидан ўтиш учун мазкур Низом билан белгиланган пул миқдорининг 100 фоиз тўлови олдиндан амалга оширилади.

Ариза берувчининг (қонуний вакилининг) шахси ва яшаш жойини (тупар жой) тасдиқловчи хужжатлар давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотлардан мустақил равишда, шу жумладан «Электрон хукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олинади.

* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бедарак йўқолган шахсларни кидириш мақсадида, истисно тариқасида, уларнинг биологик қариндошларини геном бўйича ихтиёрий равища давлат рўйхатига олиш бедарак йўқолган шахсларнинг биологик қариндошларининг мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ ёки унинг қонуний вакилининг мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шаклдаги аризаси ҳамда терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарорига асосан бепул ўтказилади.

21. Давлат суд-экспертиза муассасалари раҳбарлари (улар йўқлигига ўринбосарлари):

геном бўйича ихтиёрий равища давлат рўйхатига олиш учун ариза берувчи ёки унинг қонуний вакили тақдим этган ҳужжатларни қабул қиласди ва улар иштирокида кўриб чиқади;

ҳужжатларни кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида геном бўйича давлат рўйхатига олиш бўйича қарор қабул қиласди ёки тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар мавжуд бўлса, ариза берувчи ёки унинг қонуний вакилига камчиликларни бартараф этиш бўйича батафсил тушунтирилиб, ҳужжатларни қайтаради;

бедарак йўқолган шахсларни аниқлаш мақсадида терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни (бедарак йўқолган шахсларнинг биологик қариндошларининг аризаси ва одам ДНКси суд-тиббий экспертизаси тайинлаш ҳақидағи қарори) кўриб чиқиб, бепул геном бўйича давлат рўйхатига олиш бўйича қарор қабул қиласди ёки тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар мавжуд бўлса, терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширувчи органларга ҳужжатларни ижросиз қайтаради.

22. Ижро этилишига тўсқинлик қилган камчиликлар бартараф этилган тақдирда, ариза берувчи ёки унинг қонуний вакили ҳужжатларни қайта топшириши мумкин.

23. Давлат суд-экспертиза муассасалари раҳбарлари (улар йўқлигига ўринбосарлари) геном бўйича давлат рўйхатига олиш бўйича қарор қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун муддатда:

ариза берувчидан ушбу Низомда белгиланган қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда, биологик материал олинишини ва биологик материалнинг ахборот картаси икки нусхада тўлдирилишини;

биологик материалдан геномга оид ахборотни олиш учун ДНК тадқиқотини ўтказишни, тадқиқотлар натижасида олинган геномга оид ахборотнинг тўғрилигини текширишни ҳамда икки нусхада геномга оид ахборот картаси тўлдирилишини;

геномга оид ахборот, шунингдек, биологик материалнинг ахборот картаси ва геномга оид ахборот картасининг биттадан нусхаларини Ягона маълумотлар базасига киритиш учун Эксперт-криминалистика бош марказига мазкур Низомда белгиланган тартибга мувофиқ юборилишини ташкил этади.

Бедарак йўқолган шахсларни аниқлаш мақсадида геном бўйича давлат рўйхатига олишда тузилган биологик материалнинг ахборот картаси ва

геномга оид ахборот картасининг иккинчи нусхалари терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширувчи органларга юборилади.

24. Эксперт-криминалистика бош маркази раҳбари (йўклигида ўринбосарлари):

давлат суд-экспертиза муассасасидан геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатидан ўтиш учун юборилган геномга оид ахборот, биологик материалнинг ахборот картаси хамда геномга оид ахборот картаси келиб тушган кундан сўнг уч иш кунидаги «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ва мазкур Низом талабларига мувофиқ расмийлаштирилганлигини текшириб қабул қилиш, шунингдек, геномга оид ахборотга ишлов берилиши ва Ягона маълумотлар базасига киритилишини хамда геном бўйича давлат рўйхатига олинганилиги тўғрисида ариза берувчи ёки тегишли ваколатли органга мазкур Низомга 5-иловага* мувофиқ тузилган хабарнома юборилишини;

геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олинган шахсларнинг биологик материали ахборот карталари, геномга оид ахборот карталарини картотекада сақланишини таъминлайди.

25. Ҳар бир шахсни геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олиш учун базавий ҳисоблаш микдорининг 7 баравари микдорида ҳақ ундирилади.

Ариза берувчи ёки унинг қонуний вакили геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатидан ўтишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳукуқига эга. Бунда унинг аризаси кўрилмасдан қолдирилади ҳамда амалга оширилган тўлов суммаси қайтарилмайди.

26. Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олиш натижасида келиб тушган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига йўналтирилади.

27. Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олишда ариза берувчи давлат суд-экспертиза муассасалари хатти-харакатлари (харакатсизлиги) юзасидан «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунидаги белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

4-боб. Биологик материални олиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, бериш ва йўқ қилиш тартиби

28. Биологик материал «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунидаги, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексидаги белгиланган эксперт текшируви учун намуналар олиш талабларига хамда ушбу Низом қоидаларига риоя этган ҳолда, ваколатли органларнинг биологик материални олишга масъул ва тегишли тайёргарликка эга бўлган шахслари томонидан бевосита ёки мутахассисни жалб этган ҳолда амалга оширилади.

* 5-илова «Конунчилик маълумотлари миллый базаси»да эълон қилинган.

29. Геном бўйича давлат рўйхатига олинаётган тирик шахслардан биологик материал сифатида қон ёки сўлак намуналари олиниши мумкин.

Агар биологик материал олинган вақтдан бошлаб, беш сутка ичидаги тадқиқот ўтказиш учун тегишли лабораторияларга етказиб бериш имкони мавжуд бўлса, у ҳолда ушбу шахслардан биологик материал сифатида сўлак намуналари олиниши мумкин. Акс ҳолда ушбу шахслардан қон намуналари олиниади.

30. Геном бўйича давлат рўйхатига олинаётган тирик шахсларнинг биологик материали (қон, сўлак намуналари) қўйидаги тартибда олиниади:

дастлаб геном бўйича давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган шахсга биологик материални олиш асоси ва тартиби тушунирилади;

агар шахсдан биологик материал сифатида сўлак намуналари олинган тақдирда, биологик материал биологик материали олиниши лозим бўлган шахс овқат (суюқлик) истеъмол қилишидан олдин ёки камида бир соат кейин олиниади. Бунда биологик материали олиниши лозим бўлган шахснинг оғиз бўшлифи тоза сув билан чайилиши керак;

биологик материал сифатида сўлак намуналари олиниши лозим бўлган шахс ёки унинг қонуний вакили гувоҳлигига бир марта ишлатиш учун мўлжалланган стерилланган тиббий қўлқоп кийган ва тиббий ниқоб тақкан ҳолда, биологик материални оладиган шахс томонидан бир марта ишлатиш учун мўлжалланган маҳсус таёқча ёрдамида биологик материали олиниши лозим бўлган шахснинг оғиз бўшлифидан (ёноқлар ички томонларидан) сўлак намуналари олиниади;

агар шахсдан биологик материал сифатида қон намуналари олинган тақдирда, биологик материал сифатида қон намуналари олиниши лозим бўлган шахс ёки унинг қонуний вакили гувоҳлигига бир марта ишлатиш учун мўлжалланган стерилланган тиббий қўлқоп ва ниқоб кийган ҳолда, биологик материални олишни амалга ошираётган шахс томонидан шахснинг қўл бармоғи 70° ли спиртда ҳўлланган пахтали тампон ёрдамида артилиб, бир марталик стерил игна-скарификатор билан бармоқни ён юзасидан, 2-3 мм чуқурликда тешилади ҳамда биринчи қон томчиси артиб ташланиб, кейинги қон намунаси олиниади. Қон намунаси олиб бўлингандан сўнг жароҳатланган жойига 70° ли спирт билан ҳўлланган стерил тампон қўйилади;

олинган биологик материал (қон ёки сўлак) намуналари биологик материални оладиган шахс томонидан ташувчи-картага ўтказилади ҳамда ташувчи-картадаги индивидуал штрих код биологик материалнинг ахборот картасига ҳам кўчириб ёзиб қўйилади;

биологик материалнинг ахборот картаси биологик материални олишга масъул бўлган шахс томонидан мазкур Низомга 6-иловага* мувофиқ шаклда икки нусхада тўлдирилади ҳамда биологик материали олинган шахс ёки унинг қонуний вакили томонидан имзоланади;

биологик материали олинган шахс имзо қўйишни рад этган тақдирда, бу ҳақда биологик материалнинг ахборот картасига ёзиб қўйилади;

* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

махсус таёқча (ўзининг қадогига қайта жойлаштирилган ҳолда), биологик материал жойлаштирилган ташувчи-карта ва биологик материал ахборот картасининг бир нусхаси қофоз конвертга (пакетга) солиниб, елимланади ва муҳрланади;

конвертнинг (пакетнинг) олд бетига биологик материални олган давлат органининг масъул шахсларига тегишли маълумотлар ёзиб қўйилади;

конвертнинг (пакетнинг) олд бетидаги ва биологик материал ахборот картасидаги маълумотлар бир-бири билан мос бўлиши шарт;

биологик материални олишда унинг ифлосланишига ёки бошқа одамнинг биологик материали билан аралашишига йўл қўйилмайди, бундай вазият рўй берган тақдирда, биологик материални янгидан олиш (агар бунинг имкони бўлса) бепул амалга оширилади.

31. Биологик материалнинг ахборот карталари ва конверт (пакет) биологик материални олган шахс томонидан кўк рангли бўёқ билан шарикли ручкада босма харфларда тўлдирилади.

32. Геном бўйича давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган таниб олинмаган мурдалардан (тана қолдиқларидан, қисмларидан) ҳамда биологик материали терговга қадар текширув, суриширув, дастлабки тергов жараёнида олинган аниқланмаган шахслардан биологик материал сифатида қон, сочтолалари, тирноқлар, тишлар, суяклар ва бошқа тўқималар олиниши мумкин.

Бунда биологик материал «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг далилларни тўплаш, эксперт текшируви учун намуналар олиш талабларига мувофиқ тартибда олинади ҳамда биологик материалнинг ахборот картаси мазкур Низомга 7-иловага^{*} мувофиқ келтирилган намуна шаклида расмийлаштирилади.

33. Биологик материалдан геномга оид ахборотлар давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан тасдиқланган услубиёт орқали экспертиза ёки тадқиқот ўтказиш йўли билан олинади. Экспертиза ёки тадқиқот ўтказиш натижасида олинган геномга оид ахборот экспертиза ёки тадқиқотни ўтказган мансабдор шахс (суд-эксперт) томонидан мазкур Низомга 8-иловага^{*} мувофиқ келтирилган намуна шаклида расмийлаштирилади.

34. Давлат суд-экспертиза муассасалари тақдим этилган биологик материалнинг қайдловини юритади. Биологик материалнинг қайдловини юритиш электрон ва қофоз картотека усулида амалга оширилади.

Ҳар бир биологик материалнинг индивидуал штрих-коди қайдлов журналига ҳамда биологик материалдан геномга оид ахборот олингандан сўнг биологик материалнинг ахборот картасига ҳам киритилади.

35. Биологик материал ва геномга оид ахборотлар бир-биридан алоҳида бўлган, кириш эшиги қаттиқ металлдан ясалган ва кодли қулф билан жиҳозланган махсус хоналарда сақланади. Агарда, махсус хоналарда ойналар мавжуд бўлса, уларнинг тузи қорайтирилган бўлиши, шунингдек, уларга очиладиган ҳамда ички томонидан қулфланадиган темир панжаралар ўрна-

* 7-8-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тилиши зарур. Махсус хоналар қўриқлаш ва ёнгин сигнализацияси, шунингдек, ҳаво сўргич (вентиляция), ёнгинни ўчириш, ҳарорат ва намликни ўлчаш воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

Махсус хоналарда газ, сув ва оқова (канализация) қувурларини ўрнатиш тақиқланади.

36. Махсус хоналарга кириш ҳамда биологик материал ва геномга оид ахборотлар билан ишлашга рухсат этилган ходимлар рўйхати ҳамда уларнинг махсус хоналарга кириш ва чиқиш вақтини қайд этиш журнали давлат суд-экспертиза муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланади. Бегона шахсларнинг, шунингдек, функционал (лавозим) вазифаларига тааллуқли бўлмаган ходимларнинг махсус хоналарга кириши тақиқланади.

37. Биологик материал махсус шкафларда +16 — +24 даражага ҳароратда, намлик даражаси 55 — 60 фойздан кўп бўлмаган, куруқ ва коронги ҳамда қуёш нурларининг тўғридан-тўғри тушишини истисно қилган ҳолда сақланиши лозим.

Таниб олинмаган мурдалардан (тана қолдиқларидан, қисмларидан) ҳамда биологик материали терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида олинган аниқланмаган шахслардан олинган биологик материал, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва сифатига талаб этиладиган қоидаларига мувофиқ алоҳида шароитларда (махсус совитгичларда) сақланиши лозим.

38. Таниб олинмаган мурдаларнинг (тана қолдиқлари, қисмларининг), оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахсларнинг, шунингдек, биологик материали терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида олинган аниқланмаган шахсларнинг биологик материалини сақлаш муддатлари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда аниқланади.

Геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган ҳукм қилинган шахсларни геном бўйича давлат рўйхатига олишда улардан олинган биологик материал олинган кундан эътиборан, ушбу материалдан геномга оид ахборот олингунга қадар сақланади.

Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олишда олинган биологик материал «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларга қадар сақланади.

39. Геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган ҳукм қилинган шахслардан олинган биологик материал улардан геномга оид ахборотлар тўлиқ олингандан сўнг биологик материалдан геномга оид ахборотни олган давлат суд-экспертиза муассасаси томонидан йўқ қилинади.

Биологик материални йўқ қилиш тегишли давлат суд-экспертиза муассасаси раҳбарининг фармойиши билан уч нафар ходимдан иборат бўлган комиссия томонидан давлат суд-экспертиза муассасасининг тасдиқлаган усули билан амалга оширилади ва йўқ қилинганлик тўғрисида мазкур Ни-

зомга 9-иловага* мувофиқ шаклда далолатнома тузилиб, давлат суд-экспертиза муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланади ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан биологик материални тақдим этган ваколатли органни хабардор қиласи.

40. Таниб олинмаган мурдаларнинг (тана қолдиқлари, қисмларининг), оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган, шунингдек, аниқланмаган шахсларнинг терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида олинган ҳамда жиноят иши бўйича ашёвий далил деб топилган биологик материал геномга оид ахборот олингандан сўнг (агар тўлиқ сарфланмаган бўлса) ушбу биологик материални тақдим этган терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органларга қайтарилади.

41. Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олинаётган шахслардан олинган биологик материал геномга оид ахборот олингандан сўнг биологик материал эгасининг ёки унинг қонуний вакилининг ёзма аризасига кўра унга ёки унинг қонуний вакилига қайтарилади ёхуд мазкур Низомнинг 39-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида белгиланган тартибда йўқ қилинади ҳамда бу ҳақда ариза берувчи ёзма равишда хабардор қилинади.

42. Геном бўйича мажбурий ва ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олинадиган шахслардан олинган биологик материални учинчи шахсларга ёки Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарига бериш тақиқланади, «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

5-боб. Геномга оид ахборотни тўплаш, унга ишлов бериш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш ва йўқ қилиш тартиби

43. Давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан тақдим этилган геномга оид ахборотни Ягона маълумотлар базасида тўплаш, уни ҳисобга олиш, тизимлаштириш ва сақлаш Эксперт-криминалистика бош маркази томонидан геномга оид ахборотга ишлов бериш бўйича автоматлаштирилган идентификация тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Асослантирувчи ҳужжатлар қофоз ва (ёки) электрон шаклда шакллантирилади.

Қоғоздаги ва электрон манбалардаги ёзувлар ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлган тақдирда, қофоз манбалардаги ёзувлар устувор аҳамиятга эга бўлади.

44. Ягона маълумотлар базасида геномга оид ахборот қўйидаги маълумотларга асосан тизимлаштирилади:

геномга оид ахборот эгасининг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси, ой куни, жинси;

* 9-илова «Конунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

геномга оид ахборот Ягона маълумотлар базасига келиб тушган сана; геномга оид ахборотнинг Ягона маълумотлар базасида қайси тоифадаги шахсларнинг базасига ҳисобга олинганди;

геномга оид ахборотга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар;

Ягона маълумотлар базасида ҳисобга олинганди геномга оид ахборотни Ягона маълумотлар базасидан чиқариш учун асослар ва унинг санаси.

45. Геномга оид ахборотга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар куйидаги ҳолатларда киритилади:

геном бўйича давлат рўйхатига олинганди шахсий маълумотлари (исми, фамилияси, отасининг исми, миллати, жинси) ўзгарганда;

геном бўйича давлат рўйхатига олинганди шахс ҳақида нотўғри (исми, отасининг исми, фамилияси, миллати, жинси, ҳодиса вақти ва ҳолатлари ҳақидаги) маълумотлар мавжудлиги аниқланганда;

геномга оид ахборот олиш мақсадида биологик материал бўйича қўшимча ёки такрорий экспертиза ўтказилиши натижасида бирламчи экспертиза орқали олинганди геномга оид ахборот картасига нотўғри маълумотлар киритилганлиги ҳақида маълумотлар бўлганда.

46. Геномга оид ахборотга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар геном рўйхатига олинганди шахсий маълумотлари ўзгаргани ва (ёки) у ҳақида нотўғри (хато) маълумотлар мавжудлиги тўғрисида ахборот келиб тушгандан сўнг уч кун муддатда Эксперт-криминалистика бош марказининг масъул ҳодими томонидан киритилади. Бунда эски маълумотлар янгиси билан алмаштирилади ва (ёки) тўлдирилади, ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритишдан олдинги маълумотлар эса архивланади ҳамда қайдлов журналига тегишли белги қўйилади.

47. Ягона маълумотлар базаси куйидаги тоифалардан шакллантирилади:

оғир ва ўта оғир жиноятларни, жинсий эркинликка қарши жиноятларни, шунингдек, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш, ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун хукм қилинган шахслар тоифаси;

оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган ҳамда биологик материали терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов жараёнда олинганди аниқланмаган шахслар тоифаси;

таниб олинмаган мурдалар (тана қолдиқлари, қисмлари) тоифаси;

геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олиннувчи шахслар тоифаси.

48. Геном бўйича давлат рўйхатига олинганди шахсларнинг геном ахборотидан куйидаги мақсадларда фойдаланилади:

жиноятларнинг олдини олиш, уларни очиш ва тергов қилиш;

жиноятларни очиш, уларни содир этган шахсларни аниқлаш;

бир нечта жиноятларнинг битта шахс томонидан ёки бир неча шахслар томонидан содир этилганлиги ҳолатларини аниқлаш;

таниб олинмаган мурдаларнинг (тана қолдиқларининг, қисмларининг) шахсини аниқлаш;

бедарак йўқолган шахсларни қидириш ҳамда уларнинг таниб олинмаган мурдалар орасида мавжудлигини текшириш;

биологик қариндошликни аниқлаш.

Жиноят содир этган шахсларни текшириш фақат мазкур Низомнинг 47-бандининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган шахслар тоифаси доирасида амалга оширилади.

Геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олинган шахсларнинг геномга оид ахборотидан фақат таниб олинмаган мурдалар (тана қолдиқлари, қисмлари) ва бедарак йўқолган шахсларни аниқлаш мақсадида фойдаланилади.

49. Геномга оид ахборотдан фойдаланиш терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни амалга оширувчи органларнинг экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарори ва суднинг ажримига мувофиқ Ягона маълумотлар базасидаги геномга оид ахборотлар билан таққослаш ва идентификация қилиш орқали фойдаланилади.

50. Давлат суд-экспертиза муассасаларига қарор (ажрим) келиб тушган кундан бошлаб 30 кун ичida текширилади. Текширув натижалари бўйича мос келишлар бор ёки йўқлиги тўғрисида белгиланган тартибда экспертиза холосаси тузилади ва ташаббускор органга тақдим этилади.

Тақдим этилган геномга оид ахборотдан фойдаланиш назорати ваколатли орган раҳбарига юқланади.

51. Геномга оид ахборот «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасида белгиланган муддатлар давомида сақланади.

52. Геномга оид ахборот «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган сақлаш муддатлари тугагандан сўнг, шунингдек, ваколатли давлат органининг сўровномасига асосан қўйидаги ҳолларда Ягона маълумотлар базасидан йўқ қилинади:

таниб олинмаган мурданинг (тана қолдиқларининг, қисмларининг) шахси аниқланганда;

бедарак йўқолган шахснинг қидируви тугаганда ёки унинг вафот этганилиги аниқланганда;

хукм қилинган, оғир ва ўта оғир жиноят содир этишда гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсларга нисбатан жиноят иши реабилитация учун асосларга кўра ёки вафот этганилиги аниқланганлиги сабабли тугатилганда ёхуд ушбу тоифадаги шахслар суд томонидан оқланганда.

Ушбу банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган шахсларга нисбатан терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар томонидан чиқарилган жиноят ишини (шу жумладан, унинг бир қисмини) тугатиш ҳақидаги қарор ва суд томонидан эълон қилинган оқлов ҳукми (ажрими) йўлланма хат билан Эксперт-криминалистика бош марказига тақдим этилган тақдирда-

гина, уларнинг геномга оид ахбороти Ягона маълумотлар базасидан йўқ қилинади.

53. Ягона маълумотлар базасидаги геномга оид ахборот жиноят ишини (бир қисмини) тугатиш ҳақидаги қарор (оқлов хукми, ажрими) йўлланма хат билан келиб тушгандан бошлаб ўн беш кун ичida Эксперт-криминалистика бош марказининг ваколатли ходимлари томонидан йўқ қилинади.

Геномга оид ахборотни Эксперт-криминалистика бош маркази бошлигининг фармойиши билан уч нафар ходимдан иборат таркибда тузиладиган комиссия томонидан йўқ қилинади ва мазкур Низомга 9-иловага мувофиқ шаклда далолатнома тузилади. Амалга оширилган ишлар юзасидан ваколатли орган ёзма равишда хабардор қилинади.

54. Ягона маълумотлар базасида сақланаётган геномга оид ахборот олиниши ҳамда унга ишлов бериш шарт-шароитлари бузилганлиги юзасидан геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олинган шахс ёки унинг қонуний вакилининг, шунингдек, ваколатли органларнинг ёзма мурожаатларига асосан Эксперт-криминалистика бош маркази масъул ходимлари томонидан геномга оид ахборот тўсиб қўйилади.

Тўсиб қўйиш давлат рўйхатига олинган шахс ёки унинг қонуний вакилининг, шунингдек, ваколатли органларнинг ёзма мурожаати келиб тушган куни амалга оширилади ва бу ҳақда хисоб юритиш тизими ва журналига огоҳлантирувчи белги қўйилади. Бузилиш ҳолатларига аниқлик киритиш мақсадида Эксперт-криминалистика бош маркази ҳамда биологик материални ва ундан геномга оид ахборотни олган ваколатли орган масъул ходимлари биргаликда ўн беш кун муддатда ўрганиш ишларини амалга оширади ва бузилишлар тасдигини топган тақдирда, уларни бартараф этиш чораларини кўради.

Қўшимча ҳамда жойига чиқиб ўрганишни тақозо этган ҳолларда ўрганиш ишлари бир ой муддатгача узайтирилиши мумкин. Бунда ариза берувчи ёки ваколатли органлар уч кун муддатда ёзма равишда огоҳлантирилади.

55. Ваколатли органлардан қўшимча маълумотлар олиш ҳамда жойига чиқиб ўрганиш ва текширишларни тақозо этмайдиган ҳолларда тўсиб қўйиш бўйича ўрганиш ишлари беш кун муддатда Эксперт-криминалистика бош маркази томонидан амалга оширилади.

56. Тўсиб қўйишнинг бузилиш ҳолатлари ўз тасдигини топмаган тақдирда ёки ўрганиш натижасида аниқланган бузилишлар бартараф этилгандан кейин Эксперт-криминалистика бош маркази томонидан ариза берувчи ёки ваколатли органларга амалга оширилган ишлар юзасидан ёзма равишда ахборот берилади ҳамда уларнинг розилиги билан бекор қилинади.

57. Ягона маълумотлар базасида сақланаётган геномга оид ахборотни терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ва судга, шунингдек, алоҳида жиноят ишлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунларини

га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарига беришда геномга оид ахборот Эксперт-криминалистика бош марказининг масъул ходимлари томонидан эгасизлантирилади.

58. Эгасизлантириш ва эгасизлантиришни бекор қилиш тартиби ва усулига оид маълумотлар ошкор этилмайди.

59. Эгасизлантириш ва эгасизлантиришни бекор қилиш терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни амалга оширувчи орган ва суднинг ёзма топшириғига асосан амалга оширилади.

60. Эгасизлантирилган геномга оид ахборот ва уни эгасизлантиришда қўлланилган усул ва тартибга оид маълумотлар бир-биридан алоҳида сакланади.

61. Эгасизлантирилган геномга оид ахборот билан уни эгасизлантиришда қўлланилган усул ва тартибга оид маълумотлар ошкор этмаслик принципига мувофиқ ҳимояланган алоқа каналлари орқали берилади.

62. Ягона маълумотлар базасида сақланаётган геномга оид ахборотнинг ахборот картаси терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ва судларга бериш уларнинг ёзма сўров хати асосида амалга оширилади.

Геномга оид ахборотга асоссиз равишда ишлов бериш ҳамда керакли ҳужжатларни расмийлаштирмаслик, шунингдек, геномга оид ахборот ва эгаси тўғрисидаги маълумотларни очиқ алоқа каналлари орқали ҳамда ваколатли ва бошқа шахсларнинг оғзаки ёки норасмий мурожаати асосида тақдим этиш тақиқланади.

63. Ягона маълумотлар базаси жойлашган хоналарга киришга, геномга оид ахборот билан ишлашга рухсат этилган ходимлар рўйхати Эксперт-криминалистика бош маркази раҳбари томонидан тасдиқланади. Бегона шахсларнинг, шунингдек, функционал (лавозим) вазифаларига тааллуқли бўлмаган ходимлар (ўзга шахслар)нинг кириши, шунингдек, уларга вақтинча фойдаланиш учун геномга оид ахборотни тақдим этиш тақиқланади, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

64. Геномга оид ахборотга ишлов бериш ва уни Ягона маълумотлар базасидан ташқарида сақлаш, Ягона маълумотлар базаси жойлашган хоналарнинг эшикларини очиқ қолдириш ҳамда ишдан ташқари вақтларда уларнинг муҳрланмаган ҳолда қолдирилиши тақиқланади.

65. Ягона маълумотлар базаси жойлашган хоналарга белгиланган тартибида расмийлаштирилган бир марталик рухсатномасиз видео ва фотоаппаратлар, кузатув воситалари, мобил ва компьютер қурилмаларини олиб кириш тақиқланади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

66. Геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган шахслар ва таниб олинмаган мурдалардан (тана қолдиқлари, қисмлари) олинган биологик материал «Геном бўйича давлат рўйха-

тига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси талаблари ва мазкур Низом билан белгиланган қоидалар бузилган ҳолда расмийлаштирилган, шунингдек, тақдим этилган биологик материал тадқиқот учун яроқсиз ҳолда тақдим этилган бўлса, давлат суд-экспертиза муассасаси ушбу биологик материални юборган ваколатли органни уч кун муддатда хабардор қиласди.

Ваколатли орган томонидан камчиликларни бартараф этиш учун зарур чоралар кўрилмаса, биологик материал 30 кун ўтгач ижросиз қайта-рилади.

67. Автоматлаштирилган ахборот тизимини назорат ва рухсатсиз киришлардан ҳимоя қилиш воситалари билан таъминламасдан, геномга оид ахборотнинг автоматлаштирилган ҳисобини юритиш тақиқланади.

68. Геномга оид ахборот белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, Эксперт-криминалистика бош марказига ҳимояланган алоқа каналлари орқали юборилади.

Тармоқ орқали юбориш имкони бўлмаган тақдирда, ваколатли шахс томонидан қўлда ёки Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фельдегерлик хизмати орқали ошкор этмаслик принципига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

69. Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тадбирларини молиялаштириш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари, шунингдек, конунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

70. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

697 Аҳолига санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш соҳасига ахборот-технологияларини жорий этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сон, «Жамиятда ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-кувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон фармонлари ҳамда «Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 11 майдаги ПҚ-5113-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қўйидагиларни назарда тутувчи Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансан:

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга Давлат хизматлари марказлари орқали санаторийларда даволаниш учун йўлланмаларни бериш бўйича давлат хизмати кўрсатиш тартиби;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан санаторийларда даволаниш учун йўлланмаларни бериш бўйича давлат хизматидан фойдаланиш тартиби;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга Давлат хизматлари марказлари орқали санаторийларда даволаниш учун йўлланмаларни тақсимлаш тартиби.

2. Белгилансинки, 2022 йил 1 июлдан бошлаб ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентга мувофиқ кўрсатиладиган давлат хизматларидан фойдаланиш учун жисмоний шахслар факат Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали мурожаат қиласди.

3. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 июня қадар:

туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимларининг ҳамда кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийларнинг ЯИДХПга уланишини;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 20 ноябрда эълон қилинган.

бюджет ва бюджетдан ташкари маблағлар, грант ва қонунчилик хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан давлат хизматларини кўрсатиш учун электрон хужжат алмашишни таъминловчи ахборот тизими (кейинги ўринларда — ахборот тизими) ишлаб чиқилишини ва электрон хукуматнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминласин.

Ахборот тизимини ишлаб чиқиша кўйидагилар назарда тутилсин:

йўлланма олиш бўйича электрон навбат ҳисобини юритиш имконини жорий қилиш;

санаторийларга ташриф буюрувчи шахсларнинг маълумотлари ва тоифалари бўйича электрон базани шакллантириб бориш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг санаторийларга олган йўлланмалар даврийлигининг ҳисобини электрон юритиш;

санаторийларда бўш ўринлар ҳисобини онлайн юритиш ва очик маълумот сифатида ахборот тизимида жойлаштириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг асосланган ҳисобитобларига мувофиқ давлат хизматларини кўрсатиш учун электрон хужжат алмашишини таъминловчи ахборот тизими ишлаб чиқилиши ва электрон хукуматнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши учун зарур бўлган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва қонунчилик хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ажратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда 2022 йил 1 июлдан бошлаб:

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш бўйича давлат хизмати ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминласин;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида ваколатли органлар ва фуқаролар томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациисининг қўйидагиларни назарда тутувчи «Электрон санаторий» платформасини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансан:

санаторийларга йўлланма олиш учун мурожаат қилган аҳолини электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш;

аҳоли томонидан санаторияларга бериладиган йўлланмалар бўйича навбатни кузатиш имкониятини берувчи механизmlарни жорий этиш;

санаторийларда мавжуд бўш ўринлар тўғрисидаги, хизмат кўрсатиш ихтисосликлар тўғрисидаги маълумотларни янгилаб бориш ҳамда бошқа ахборот тизимлари билан интеграция қилиш.

7. Белгилансинки:

«Электрон санаторий» платформасини ишлаб чиқиш ва келгусида техник хизмат кўрсатиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассислигидаги «IT-Med» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилади;

вазирлик ва идораларга тегишли Давлат бюджетидан молиялаштирилдиган санаторийлар «Электрон санаторий» платформасига мажбурий тартибда уланади;

вазирлик ва идораларга тегишли Давлат бюджетидан молиялаштирилмайдиган санаторийлар, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацииси Кенгаши тизимидағи санаторийлар ва хусусий санаторийлар «Электрон санаторий» платформасига ихтиёрий тартибда уланади;

Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимидағи санаторийлар «Ижтимоий хизмат» электрон платформасига уланади;

«Электрон санаторий» платформасини ишлаб чиқиш билан боғлиқ ҳаржатлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасида ахборот тизимларини яратиш, такомиллаштириш ва жорий этиш, шунингдек, ахборот коммуникация ва технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул килган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирисин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К. Инаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 19 ноябрь,
693-сон

Вазирлар Маҳкамасининг

2021 йил 19 ноябрдаги 693-сон қарорига
ИЛОВА

**Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга
санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш
бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга Давлат хизматлари марказлари орқали санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар (кейинги ўринларда — йўлланмалар) бериш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда — давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

Йўлланмалар Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) тизимида ги кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийларга (кейинги ўринларда — санаторийлар) берилади.

2. Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали Агентликнинг туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари (кейинги ўринларда — ваколатли орган) томонидан кўрсатилади.

Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда — ЭРИ) мажбурий тартибда кўллаш орқали факат идоралараро ўзаро электрон боғла ниш ёрдамида амалга оширилади.

Йўлланмалар умумий сони санаторийларнинг мавжуд ўринлари ҳамда тегишли молия йилида Давлат бюджетидан йўлланмалар учун мақсадли тартибда назарда тутиладиган бюджет маблағлари доирасида белгиланади.

3. Йўлланмалар қўйидаги тоифадаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга берилади:

уруш ногиронларига ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар;

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг янги никоҳдан ўтмаган бева хотинлари (бева эрлари);

республика аҳамиятига молик шахсий пенсия олувчи шахслар;

Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан кечирган шахслар, шунингдек, Чернобиль ҳалокати сабабли ногирон бўлиб қолган шахслар;

ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар;

I ва II-гурух ногиронлиги бўлган шахслар, қўзи ожиз I-гурух ногиронини кузатиб борувчи шахс;

ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз кексалар;

ёшга доир пенсия олувчилар.

4. Йўлланмаларни бериш даврийлиги (бирламчи мурожаат этганлар бундан мустасно) қуидагилардан иборат бўлади:

а) ҳар йили — навбат асосида:

уруш ногиронларига тенглаштирилган шахсларга;

республика аҳамиятига молик шахсий пенсия олувчи шахслар;

Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан кечирган шахслар, шунингдек, Чернобиль АЭС ҳалокати сабабли ногирон бўлиб қолган шахсларга;

ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро обьектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларга;

ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз кексаларга;

б) икки йилда бир маротаба — навбат асосида:

уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахсларга;

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг янги никоҳдан ўтмаган бева хотинларига (бева эрларига);

I ва II гурух ногиронлиги бўлган шахсларга, кўзи ожиз I гурух ногиронини кузатиб борувчи шахсга;

в) уч йилда бир маротаба — навбат асосида ёшга доир пенсия олувчиларга.

5. Уруш ногиронларига ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар тоифаси Вазирлар Махкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга асосан аниқланади.

6. Давлат хизмати кўрсатиш мазкур Регламентга 1-иловага* мувофик схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматлари кўрсатиш тартиби

1-§. Мурожаатларни шакллантириш ва юбориш

7. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ёки уларнинг вакиллари давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказларига келиб мурожаат этадилар ёки давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтадилар.

8. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ўзлари ёки вакиллари келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ходими кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса — мустақил тарзда ушбу Регламентга 2-иловага* мувофик шаклдаги сўровномани электрон равишда тўлдирадилар.

Сўровномага қуидаги хужжатлар илова қилинади:

имтиёздан фойдаланиш хукуқини берувчи хужжат (пенсия гувохномаси, мавжуд бўлса, ушбу Регламентнинг 4-бандида назарда тутилган ҳолатларни тасдикловчи хужжатлар) нусхаси;

* 1-2-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тиббий маълумотнома (даволовчи шифокор томонидан бериладиган санаторий-соғломлаштириш тавсия этиладиган маълумотнома).

Ушбу бандда кўрсатилмаган маълумотларни ҳамда бошқа хужжатларни талаб қилиш қатъяян тақиқланади.

9. Қўйидаги касалликлар мавжуд бўлганда шахсга тиббий маълумотнома берилмайди:

беморнинг ўзи ва атрофдагилар учун хавфли бўлган қўпол ва хулкий бузилишлар билан кечадиган руҳий касалликлар, хусусан, тез-тез (ҳар ойда 5 мартадан кўп) тутқаноқ содир бўладиган эпилепсия, мунтазам тутқаноқларга, эпилептик мақомга, кун охирига бориб бўшашувланикка, дисфорияларга мойиллик касалликлар;

жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги;

юқумли тери ва соч касалликлари;

ўткир юқумли касалликлар;

салбий жараёндаги, ёмон ҳолатда ўтадиган шиш касалликлари ва рецидивлари;

таносил касалликлари.

Тиббий маълумотномаларда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни тегишли касалликлар бўйича ихтисослаштирилган санаторийларга йўлланма бериш юзасидан маълумотлар киритилиши мумкин.

10. Сўровнома зарур маълумотлар расмийлаштиргандан ва киритилгандан сўнг кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан тасдиқланади.

Ўзи келиб мурожаат этган тақдирда сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

11. Давлат хизмати кўрсатилгани учун йиғим ундирилмайди.

12. Сўровномада нотўри маълумотлар кўрсатилиши давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос хисобланади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

13. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар давлат хизматларидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш хукуқига эга. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда уларнинг сўровномаси кўрмасдан қолдирилади.

14. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, уларнинг сўровномаси Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, тасдиқлангандан сўнг барча хужжатлар 10 дақиқа мобайнинда ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса — сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

15. Ваколатли орган сўровнома тушганидан сўнг, уларнинг электрон реестрини юритади ва фуқаролар томонидан кузатиб борилиши учун нав-

батлар түркисидаги маълумотлар расмий веб-сайтида реал вақт режимида янгилаб борилишини таъминлайди.

16. Йўлланмалар санаторийларнинг мавжуд ўринларидан келиб чиқсан холда ажратилган бюджет маблағлари доирасида навбат асосида берилади.

Уруш ногиронларига ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар учун санаторийларга йўлланмалар биринчи навбатда берилади.

Йўлланмалар кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга 12 кунга, йўлланмаларнинг амал қилиш муддати бошланишидан 10 кун олдин (асосли сабабларга кўра қайтарилиган йўлланмалар бундан мустасно) берилади.

Мазкур банднинг учинчи хатбошисида кўрсатилган муддатдан ўтгандан сўнг 5 кун ичida йўлланмалардан фойдаланувчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар томонидан йўлланма бўйича санаторийларга мурожаат қилинмаганда берилган йўлланмана бекор қилинади, бундан мазкур Регламентнинг 29-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

Йўлланма олиш учун навбатга қўйилган шахс йўлланмадан фойдаланилмаганлиги муносабати билан электрон рўйхатдан чиқарилади ҳамда тизимда рўйхат автоматик равишда янгиланади.

17. Санаторийда соғломлаштириш учун берилган йўлланмада кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, уларнинг тоифаси, йўлланманинг муддати ҳамда уни расмийлаштирган ва колатли органнинг номи тўлиқ кўрсатилиши лозим.

18. Ваколатли орган навбати келган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга QR-код (матрик штрихли код) қўйилган мазкур Регламентга З-иловага* мувофиқ шаклда йўлланмани расмийлаштиради ҳамда уни ўз ЭРИси билан тасдиқлаб, тегишли Давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП орқали электрон равишида юборади.

19. Давлат хизматлари маркази йўлланма тушганидан сўнг 10 дақика мобайнинда уни кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон манзилига юборади (мавжуд бўлганда) ва уларни бу ҳакида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласи. Давлат хизматлари маркази кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ўзлари ёки вакиллари келиб мурожаат қилган тақдирда, уларнинг сўровига кўра, уларга йўлланмани электрон шаклда ёки қоғоз шаклда бериши мумкин.

2-§. Йўлланмаларни тақсимлаш

20. Агентлик Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаларининг (кейинги ўринларда — худудий бошқармалар) талабномаларига асосан кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий сонига мувофиқ республика санаторийларига йўлланмаларни тақсимлаш режасини ҳар чоракда тасдиқлайди.

* З-илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ушбу талабномалар хар чоракда, навбатдаги чорак бошланишидан бир ой олдин Агентликкa тақдим этилади.

21. Тасарруфида маҳаллий санаторийси бўлган худудий бошқармалар, ваколатли органларнинг талабномаларига асосан кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий сонига мувофиқ маҳаллий санаторийларга йўлланмаларни тақсимлаш режасини ҳар чоракда тасдиқлайди.

Зарурат бўлганда, худудий бошқармаларга республиканинг бошқа худудларида жойлашган маҳаллий санаторийлар учун йўлланмалар ажратилиши мумкин. Бунда, худудий бошқармалар томонидан республиканинг бошқа худудида жойлашган маҳаллий санаторийларга бўлган талабномалар Агентликкa тақдим этилади ҳамда Агентликнинг талабномасига асосан республиканинг бошқа худудларида жойлашган маҳаллий санаторийлар учун йўлланмалар тегишли худудий бошқармаларга ажратилади.

Ушбу талабномалар навбатдаги чорак бошланишидан 20 кун олдин тегишли худудий бошқармаларга тақдим этилади.

22. Ажратилган йўлланмалар бевосита ваколатли органларга етказиш учун санаторийга етиб келишнинг белгиланган санасигача 15 кундан кеч бўлмаган муддатда Агентлик томонидан худудий бошқармаларга юборилади.

23. Фойдаланилган йўлланмалар тўғрисидаги маълумотлар ҳар чоракдан кейинги ойнинг 5-кунига қадар худудий бошқармалар томонидан Агентликкa тақдим этилади.

24. Йўлланмалар факат уларда кўрсатилган муддатларда хақиқий ҳисобланади. Йўлланмада кўрсатилган муддатдан олдин санаторийга қабул қилинмайди, санаторийга кечикиб келинган кунлар тикланмайди.

25. Йўлланмадан фақат унда кўрсатилган шахсгина фойдаланиши мумкин. Санаторийга битта йўлланма билан биттадан ортиқ киши (шу жумладан, ёш болалар ҳам) қабул қилинмайди.

26. Санаторийга ташриф буюрган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ўзи билан бирга йўлланмадан ташқари шахсини тасдиқловчи хужжат ва соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан йўлланмага асосан берилган санаторий-курорт картасини олиб келиши лозим.

27. Санаторийларга қабул қилиш чоғида юқори ҳарорат ёки ноаниқ этиологияли тошма аниқланган шахслар соғлиқни сақлаш муассасаларига юборилади.

28. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар саломатлигининг ҳолатига ёки бошқа асосли сабабларга кўра йўлланмадан белгиланган муддатда фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, йўлланмада кўрсатилган санаторийга келиш муддатидан камида уч кундан кеч бўлмаган муддатда бу ҳақида Давлат хизматлари марказига хабар бериши ва йўлланмани қайтариши лозим. Давлат хизматлари маркази ходими бу ҳақида 1 соат мобайнида ваколатли органни хабардор қиласи.

Йўлланма олиш навбати келган фуқаро Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарига вақтинча чиқиб кетган бўлса, шунингдек, асосли сабабларга кўра йўлланмадан фойдаланмаган тақдирда, фуқароларнинг навбат муддати кейинги ойга кўчирилади. Бундай ҳолатда фуқаро олдинги ариза

рақамини кўрсатиб, ушбу Регламентнинг 2-бобида белгиланган тартибда қайта мурожаат қилганда йўлланмалар биринчи навбатда берилади.

Қайтарилиган ва фойдаланилмаган йўлланмалар ваколатли орган томонидан навбат асосида бошқа кекса ёки ногиронлиги бўлган шахсга расмийлаштириб берилади.

29. Санаторий раҳбарлари соғломлаштирилган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг санаторийда ҳақиқатда бўлган вақти, муддатидан олдин кетган бўлса, унинг сабаблари кўрсатилган маълумотларни йўлланманинг «Қайтариладиган қисми»га киритади ҳамда ўз ЭРИси билан тасдиқлаб, ахборот тизими орқали ваколатли органга юборади.

30. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга берилган ва улар томонидан фойдаланилган йўлланмалар хисоби ваколатли органлар томонидан юритилади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

31. Ваколатли органлар йўлланмаларнинг жойларда ўз вақтида ва мақсадли берилиши, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар йўлланмаларни олишларида адолат тамойилларига ҳамда навбатлиликка қатъий амал қилинишини таъминлашда жавобгар хисобланади. Худудий бошқармалар юкоридаги вазифаларнинг сўёзсиз бажарилиши устидан назоратни олиб бориш учун масъул хисобланади.

32. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатиладиган хизматлар сифати учун санаторийлар раҳбарлари жавоб берадилар.

33. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

34. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг худудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти устидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали, доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

35. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-харакатлари юзасидан қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

36. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ**

698 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, ахолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон Фармони)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, ахолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни бир ой мuddатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Б.Қ. Юсупалиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 19 ноябрь,
694-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 20 ноябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 19 ноябрдаги 694-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика аҳолисини қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида учрайдиган юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш хамда гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб бериш ва сотиш чоғида ветеринария-санитария талабларига риоя этиш тўғрисида» 1995 йил 28 сентябрдаги 379-сон қарорининг 2-бандидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўzlари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 февралдаги 106-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Ички сув транспорти уставида:

а) 17-банднинг «а» кичик бандидаги «санитария назорати давлат» сўzlари «санитария-эпидемиология хизмати» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 19-банддаги «санитария назорати давлат» сўzlари «санитария-эпидемиология хизмати» сўzlари билан алмаштирилсин;

в) 45-банддаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўzlари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўzlари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларини четдан келтириш, ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 4 августдаги 331-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбошисидаги «санитария-эпидемиология станциялари» сўzlари «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўzlари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчала-рининг ишини такомиллаштириш ва республика истеъмолчиларини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 18 сентябрдаги 397-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1998 й., 9-сон, 35-модда) 4-банди учинчи хатбошисидаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси» сўzlари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўzlари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 1-сон, 5-модда) билан тасдиқланган Уйларни ва турар жойларни уй-жой фондидан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-банди олтинчи хатбошисидаги «Давлат санитария назорати» сўzlари «санитария-эпидемиология хизмати» сўzlари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 апрелдаги 142-сон қарори билан тасдиқланган Республика эпидемияга қарши курашиш фавқулодда

комиссияси тўғрисидаги низомнинг 4-банди саккизинчи хатбошисидаги «давлат санитария назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 22 июндаги 239-сон қарорининг 7-бандидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2002 й., 11-сон, 73-модда) 6-банди биринчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларининг 69-бандидаги «санитария назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлик фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 12-банди олтинчи хатбошисидаги «санитария назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 марта 99-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2004 й., 3-сон, 19-модда) билан тасдиқланган Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 9-банди еттинчи хатбошисидаги «санитария-эпидемиология» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2004 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

3-банднинг иккинчи хатбошисидаги ва 4-банддаги «давлат санитария назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

7, 9, 10, 13 ва 15-бандлардаги «давлат санитария назоратининг» сўзлари «санитария-эпидемиология хизматининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банддаги «давлат санитария эпидемиология назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банднинг олтинчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги» сўзлари «Сани-

тария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банднинг ўнинчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, унинг худудий ёки туман (шаҳар) марказлари» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, унинг худудий бошқармалари ёки туман (шаҳар) бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

16²-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16². Тузилган далолатнома ва хужжатлар тўплами Санитария-эпидемиология хизмати, унинг худудий бошқармаси ёки туман (шаҳар) бўлими раҳбарига тақдим этилади. Санитария-эпидемиология хизмати, унинг худудий бошқармаси ёки туман (шаҳар) бўлими раҳбари томонидан далолатнома асосида бир кун муддатда истеъмолга яроқсиз деб топилган озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, ундан фойдаланиш ёки республикага импорт қилишни тақиқлаш тўғрисидаги қарор икки нусхада тайёрланади, биринчи нусхаси бир иш куни ичida ариза берувчига берилади, иккичи нусхаси — Санитария-эпидемиология хизмати, унинг худудий бошқармаси ёки туман (шаҳар) бўлимида сақланади»;

Истеъмолга яроқсиз деб топилган озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, ундан фойдаланиш ёки республикага импорт қилишни тақиқлаш тўғрисидаги қарор икки нусхада тайёрланади, биринчи нусхаси бир иш куни ичida ариза берувчига берилади, иккичи нусхаси — Санитария-эпидемиология хизмати, унинг худудий бошқармаси ёки туман (шаҳар) бўлимида сақланади»;

16³-банддаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга иловадаги «санитария назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 июндаги 152-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 6-7-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг олтинчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази ва унинг худудий марказлари» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, худудий бошқармалари ва уларнинг бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Низомга иловадаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология республика маркази» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомда:

а) 1-иловада:

I бўлим номидаги «санитария-эпидемиология назорати хизмати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банд кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Санитария-эпидемиология хизмати муассасалари (санитария-эпидемиология хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари, ўлат профилактикаси маркази ва унинг филиаллари, дезинфекция станциялари»;

б) 2-илованинг I бўлими 1.19-бандида:

биринчи хатбошидаги «Санитария-эпидемиология» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги «санитария-эпидемиология станциялари» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 сентябрдаги 190-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2006 й., 9-сон, 65-модда) билан тасдиқланган Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 9-банди ўн биринчи хатбошисидаги «санитария-эпидемиология назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги 226-сон қарори билан тасдиқланган Автомобиль ўйларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича бажарилган ишларнинг сифати устидан назорат қилиш ва уларни қабул қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандидаги «давлат санитария» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 227-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2007 й., 10-сон, 61-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси тўғрисидаги низомга 1-илованинг ўн учинчи хатбошисидаги «Давлат санитария-эпидемиология назорати Республика марказининг бош врачи» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарори билан тасдиқланган Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчилар рўйхатининг 1-банди ўн учинчи хатбошисидаги «Давлат санитария-эпидемиология назорати» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ва унинг худудий бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари қатъий бажарилишини назорат қилишини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 12 февралдаги 41-сон қарорида:

а) 1-илованинг 7-бандидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари «Са-

нитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳудудий бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Ахоли пунктлари комплекс қурилишини назорат қилиш ҳудудий комиссияси тўғрисидаги низомга илованинг 4-бандидаги «санитария-эпидемиология назорати бўлинмасининг» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳудудий бошқармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 3 апрелдаги 98-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Ионлаштирувчи нурланиш манбалари айланишини давлат томонидан хисобга олиш ва назорат қилиш тизимини ташкил этиш қоидаларида:

а) 14-банднинг ўн биринчи хатбошидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат санитария-эпидемиология» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 20-бандда:

биринчи хатбошидаги «СЭС тегишли» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати тегишли» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «СЭСнинг тегишли» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизматининг тегишли» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 24-банддаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 30-модда) билан тасдиқланган Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат порталига жойлаштириш учун тақдим этиладиган ахборотлар рўйхатининг 57-позицияси «Масъуллар» устунидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 7-сон, 56-модда) билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мulkни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

7-банддаги «санитария-эпидемиология» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

39-банднинг учинчи хатбошидаги «санитария-эпидемиология станцияси» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 августдаги 231-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 8-сон, 60-модда) билан тасдиқланган Ядрорий материаллар айланишини давлат томонидан хисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 37-бандидаги «санитария-эпидемиология станцияси» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 2-сон, 4-модда) билан тасдиқлан-

ган Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини ҳисоблаш тартиби-нинг 14-бандидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология станциялари» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг худудий органлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 8 июлдаги 202-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 7-сон, 64-модда) 6-банди иккинчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат санитария-эпидемиология назорати маркази» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 305-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 45-46-сон, 478-модда) билан тасдиқланган «Бир дарча» тамоили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизми тўғрисидаги вақтинчалик низомнинг 6-банди «г» кичик бандидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартағи 67-сон қарори билан тасдиқланган Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш концепциясининг 2-банди тўққизинчи хатбошисидаги «Давлат санитария-эпидемиология назорати марказларига» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг худудий бўлинмаларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 апрелдаги 109-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 4-сон, 26-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиш қоидаларининг 22-банди «в» кичик бандидаги «санитария назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 8-сон, 61-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидаларида:

- а) 11-банднинг олтинчи хатбошисидаги «санитария-эпидемиология назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;
- б) 14-банднинг «г» кичик банди бешинчи хатбошисидаги «санитария-эпидемиология назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

- в) 50-банддаги «санитария-эпидемиология назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;
- г) 58-банддаги «санитария-эпидемиология назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;
- д) 64-банддаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология назорати» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 7-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидаларида:

- а) 5-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Сув сифати ИСКХ ташкилотларининг кимё-бактериология ва кимё-технология лабораториялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (кейинги ўринларда — Санитария-эпидемиология хизмати) билан ҳамкорликда назорат қилинади»;

б) 13-банднинг учинчи хатбошисидаги ва 130-банднинг тўққизинчи хатбошисидаги «Давсанэпидназорат» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 41-банддаги «Давлат санитария ва эпидемиология назорати» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 43-банддаги «Давлат санитария-эпидемиология назорати» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 августдаги 216-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 8-сон, 80-модда) билан тасдиқланган Давлат экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 15-банддаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги деб аталади)» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (кейинги ўринларда — Санитария-эпидемиология хизмати)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 18-банднинг учинчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 23-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Санитария-эпидемиология хизмати номидан давлат экологик назорати Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, унинг бошқармалари ва бўлимларининг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

Санитария-эпидемиология хизмати органлари номидан:».

32. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки обьектларини хусусий-лаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш хақида» 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 10-сон, 104-модда):

- а) 1-илованинг 12-бандидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;
- б) 2-илованинг 2-банди саккизинчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;
- в) 3-илованинг 2-банди ўн биринчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;
- г) 4-илованинг 2-банди ўнинчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;
- д) 5-илованинг 2-банди бешинчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;
- е) 6-илованинг 2-банди ўн бешинчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

33. Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 3 февралдаги 19-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 2-сон, 60-модда) билан тасдиқланган Ахоли пунктларида давлат капитал қўйилмалари хисобига молиялаштириладиган ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизмати объектларини куриш ва реконструкция қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда:

- а) 6-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат санитария-эпидемиология назорати худудий марказларининг (Санитария-эпидемиология назорати худудий хизматининг)» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати худудий бошқарма ва бўлимларининг (Санитария-эпидемиология хизмати худудий бошқарма ва бўлимнинг)» сўзлари билан алмаштирилсин;
- б) 10-банднинг учинчи хатбошисидаги «Санитария-эпидемиология назоратининг» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизматининг» сўзлари билан алмаштирилсин;
- в) 21-банднинг учинчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (Санитария-эпидемиология назоратининг худудий хизмати)» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Санитария-эпидемиология хизмати худудий бўлинмалари)» сўзлари билан алмаштирилсин;
- г) 30-банддаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги, давлат санитария-эпиде-

миология назоратининг худудий марказлари» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизматининг худудий бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини ва уни малакали кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 26 июнданги 170-сон қарорида:

а) 1-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

иш берувчилар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар бўлимлари бошлиқлари билан 5 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга меҳнат шартномаси тузадилар;

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар бўлимлари бошлиқлари З йилда бир марта даврийликда аттестациядан ўтишлари керак;

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар бўлимлари бошлиқлари эгаллаб турган лавозимида муваффакиятли ишлашнинг беш йиллик муддати тамом бўлгандан кейин эгаллаб турган лавозимидан паст бўлмаган лавозимга янги иш жойига ўтказилиши керак. Ишда жиддий камчиликлар мавжуд бўлган тақдирда, ушбу шартли муддат сезиларли даражада қисқартирилиши мумкин;

санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар ва бошқарув кадрлари янги иш жойига ўтказилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хизмат туар жойи ёки у ижарага олинганлиги учун компенсация тўлови билан таъминланадилар»;

б) 2-банддаги «давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати ва унинг худудий бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-банддаги «Давлат санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар кадрларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомни ҳамда давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар кадрларини танлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида» 2015 йил 20 августдаги 243-сон қарорида:

а) муқаддимадаги «давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати органларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар кадрларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомда:

1-банддаги «давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачларини» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жа-

моат саломатлиги хизматининг худудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларининг бошлиқларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачлари (кейинги ўринларда бош врачлар деб аталади)» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг худудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларининг бошлиқлари (кейинги ўринларда — Бошлиқлар)» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги «Бош врачлар» сўзлари «Бошлиқлар» сўзи билан алмаштирилсин;

6-банда:

иккинчи хатбошидаги «бош врачларни» сўзлари «бошлиқларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «санитария-эпидемиология назорати хизматлари-нинг» сўзлари «санитария-эпидемиология хизматининг худудий органлари-нинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «санитария-эпидемиология назорати хизматла-ри бош врачлари» сўзлари «санитария-эпидемиология хизматининг худудий органлари бошлиқлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банддаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ҳамда шаҳарларнинг давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари бош врачлари» сўзлари «Санитария-эпидемиология хиз-матининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларининг бошлиқлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг учинчи хатбошисидаги «бош врачларнинг» сўзлари «бошлиқларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги-нинг» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломат-лиги хизматининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банднинг «д» кичик бандида:

иккинчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачлари учун» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари учун» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«туман (шаҳар)лар бошлиқлари учун — тегишли равища Санитария-эпидемиология хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқларидан»;

18-бандидаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачларини» сўзлари «Санитария-эпидемиология хиз-матининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудий бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимларининг бошлиқлари-ни» сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банддаги «Бош врачнинг» сўзлари «Бошлиқнинг» сўзи билан алмаштирилсин;

26-банддаги «бош врачлар» сўзлари «бошлиқлар» сўзи билан алмаштирилсин;

27-банднинг иккинчи хатбошисидаги «бош врачларни» сўзлари «бошлиқларни» сўзи билан алмаштирилсин;

б) Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар кадрларини танлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

1-банддаги «Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари бош врачларини (кейинги ўринларда бош врачлар деб аталади)» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизматининг Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудий бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимларининг бошлиқларини (кейинги ўринларда — Бошлиқлар)» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «Бош врачларни» сўзлари «Бошлиқларни» сўзи билан алмаштирилсин;

3, 4-бандлардаги, 4-банднинг учинчи хатбошисидаги, 5-бандидаги «бош врачлар» сўзлари «бошлиқлар» сўзи билан алмаштирилсин;

5-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банддаги «Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачлари» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизматининг Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудий бошқармаларининг бошлиқлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Санитария-эпидемиология хизматининг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи билан келишган ҳолда тегишли равишда Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади»;

12, 13-бандлардаги «Бош врачлар» сўзлари «Бошлиқлар» сўзи билан алмаштирилсин;

14-банддаги «Бош врачларни» сўзлари «Бошлиқларни» сўзи билан алмаштирилсин.

36. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги 132-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомида:

а) 20-банднинг учинчи хатбошисидаги «Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизмати бўлими бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин;

6) 58-банддаги «Давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ва унинг худудий бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 майдаги 164-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси акваторияларида пляжларни жиҳозлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек фуқароларнинг соғлигини мухофаза қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-банднинг бешинчи хатбошисидаги «давлат санитария назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 40-банддаги «давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари» сўзлари «санитария-эпидемиология бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳар йиллик «Савдо ва хавфсизлик» танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида» 2016 йил 21 июлдаги 237-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2016 й., 7-сон, 69-модда):

а) «Савдо ва хавфсизлик» танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида низомга 1-илованинг бешинчи хатбошисидаги «давлат санитария-эпидемиология назорати маркази» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-илованинг ўнинчи хатбошисидаги «Умаров Р.К. — Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология марказининг бошлифи» сўзлари «лавозими бўйича — Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлифи» сўзлари билан алмаштирилсин.

39. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 185-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2017 й., 4-сон, 40-модда) билан тасдиқланган Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг файриқонуний нусхалирни, шунингдек муомаладаги дори воситалари ва тиббий буюмларни уларнинг инсон соғлиғига зарарли таъсирини тасдиқловчи фактлар аниқланган тақдирда муомаладан чиқариш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 16 ва 23-бандларида:

а) 16-банддаги «давлат санитария-эпидемиология назорати маркази» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 23-банддаги «Давлат санитария-эпидемиология назорати марказига» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлимига» сўзлари билан алмаштирилсин.

40. Вазирлар Маҳкамасининг «Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 12 майдаги 284-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2017 й., 5-сон, 364-модда):

а) 1-илованинг 20-банди бешинчи хатбошисидаги «санитария-эпидеми-

ология назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-илованинг 2-бандидаги «давлат санитария-эпидемиология назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

41. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 июндаги 405-сон қарори билан тасдиқланган Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 20-банддаги «давлат санитария-эпидемиология назоратининг тегишли худудий марказига» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизматининг тегишли худудий бўлимига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловадаги схеманинг 3-босқичи «Тадбирлар» устунида:

1-банддаги «давлат санитария-эпидемиология назоратининг тегишли худудий марказига» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизматининг тегишли худудий бўлимига» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «давлат санитария-эпидемиология назоратининг тегишли худудий маркази» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизматининг тегишли худудий бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг 21-бандидаги «давлат санитария-эпидемиология назоратининг худудий маркази» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизматининг худудий бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1а-илова билан тасдиқланган Тиббий фаолиятни амалга ошириш хукуқини берувчи лицензияни тезлаштирилган тартибда бериш схемасида:

3-босқич «Тадбирлар» устунидаги «давлат санитария-эпидемиология назоратининг тегишли худудий маркази» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизматининг тегишли худудий бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-босқич «Субъектлар» устунидаги «давлат санитария-эпидемиология назоратининг худудий маркази» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизматининг худудий бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин.

42. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 718-сон қарори билан тасдиқланган Марказий туман (шахар) кўп тармоқли поликлиничалари, шахар ва қишлоқ оиласиий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктилари ҳамда врачлар ва ўрта тибиёт ходимлари фаолияти самарадорлиги ни рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловадаги «давлат санитария-эпидемиология назорати маркази» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин.

43. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги 13-сон қарори билан тасдиқланган Мухофаза этиладиган табиий худудларда бўлишнинг на-мунавий қоидаларининг 5-банди бешинчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

44. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 мартағи 241-сон қарори билан тасдиқланган Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди учинчи хатбошисидаги «санитария-эпидемиология назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

45. Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 31 мартағи 255-сон қарори билан тасдиқланган Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари қўрсатишнинг маъмурий регламентининг 4-банди «б» кичик бандидаги «санитария ва эпидемиология назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

46. Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 309-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 4-сон, 95-модда) билан тасдиқланган Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомнинг 54-банди иккинчи хатбошисидаги «давлат санитария-эпидемиология назорати марказларига» сўзлари «санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бўлимларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

47. Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 3 майдаги 322-сон қарори билан тасдиқланган Маъмурий ҳукуқбузарлик содир этган шахслар ва маъмурий ҳукуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга 8-илованинг 150-позициясидаги «Давлат санитария назорати» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

48. Вазирлар Махкамасининг «Сузиш спорт турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 3 майдаги 333-сон қарорида:

а) 4-банддаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 21-бандидаги «Давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

49. Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 3 майдаги 334-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий дорихона фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-бандидаги «Давлат санитария назорати» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

50. Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 31 майдаги 408-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 5-сон, 133-модда) билан тасдиқланган Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари қўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди учинчи хатбошисидаги «санитария-эпидемиология назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

51. Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 июндаги 444-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 6-сон, 147-модда) билан тасдиқланган Нефть, газ ҳамда газ конденсати қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 14-банди «и» кичик бандидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиоло-

гик осойишталик агентлиги худудий санитария-эпидемиология осойишталиги марказларининг» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати худудий бўлинмаларининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

52. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июлдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Оиласвий нодавлат мактабгача таълим муассасалари тўғрисидаги низомнинг 12-бандидаги «санитария-эпидемиология назоратининг» сўзлари «санитария-эпидемиология хизматининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

53. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли ва ижтимоий соҳа обьектларига кундалик ҳаётда фойдаланиш учун суюлтирилган углеводород газини етказиб бериш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2018 йил 10 августдаги 646-сон қарорига 2-илованинг 11-бандидаги «Санитария-эпидемиология станциялари» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизматининг худудий бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

54. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 августдаги 671-сон қарори билан тасдиқланган Истироҳат боғлари ва яшил зоналарни ташкил этиш методологияси тўғрисидаги низомнинг 13-бандидаги «давлат санитария-эпидемиология назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

55. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-сон қарори билан тасдиқланган Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси обьектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда майший чиқнидилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидаларида:

а) 54-банддаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловадаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

56. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 944-сон қарори билан тасдиқланган Хусусий шерикка тегишли ер ва бино-иншоотларда нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш шаклидаги давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-банднинг еттинчи хатбошисидаги «давлат санитария-эпидемиология назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг учинчи хатбошисидаги «давлат санитария-эпидемиология назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

57. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги 978-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2018 й., 12-сон, 294-модда) билан тасдиқланган Экотуризмни ташкил этиш учун сув омборларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасида ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-банди тўртинчи хатбошисидаги «давлат санитария-эпи-

демиология назорати марказлари» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

58. Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 4 декабрдаги 983-сон қарори билан тасдиқланган Фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун кон ажратмаси бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 31-банди ўнинчи хатбошисидаги «санитария назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

59. Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 26 февралдаги 169-сон қарори билан тасдиқланган Ахоли пунктлари қисмларининг батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишини молиялаштиришда давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-банди «б» кичик банди бешинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими, Тошкент шаҳрида — санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси;».

60. Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 1 мартағи 184-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги низомнинг 97-банди еттинчи хатбошисидаги «санитария-эпидемиология назоратининг» сўзлари «санитария-эпидемиология хизматининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

61. Вазирлар Махкамасининг «Мактабгача ҳамда умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш ишларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 25 апрелдаги 352-сон қарорида:

а) 1-илованинг 6-банди тўртинчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази ва ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 6-банди тўртинчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази ва ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-илованинг 3-бандидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази ва ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

62. Вазирлар Махкамасининг «Ихтисослаштирилган сўйиш корхоналари фаолиятини тартибга солиш ҳамда истеъмол бозорига гўшт ва гўшт махсулотларини етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 8 майдаги 386-сон қарорида:

а) 6-банддаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

13-банднинг иккинчи хатбошисидаги «санитария» сўзи «санитария-эпидемиология» сўзлари билан алмаштирилсин;

38-банддаги «давлат санитария назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

63. Вазирлар Маҳкамасининг «Юқори тезлиқдаги темир йўл участка-ларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар амалга оширилишини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, назорат қилиш бўйича идоралараро комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» 2019 йил 8 майдаги 387-сон қарорига 2-илованинг 9-банди кўйида-ги таҳрирда баён этилсин:

«Лавозими бўйича — Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи».

64. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 470-сон қарори билан тасдиқланган Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкilotларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиши тартиби тўғрисидаги низомнинг 24-банди иккинчи хатбошисидаги «давлат санитария-эпидемиология назорати маркази» сўзлари «санитария-эпидемиологик осо-йишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин.

65. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мактабгача таълим муассасала-рида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 25 июлдаги 626-сон қарорида:

а) 6-банддаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 43-бандидаги «давлат санитария-эпидемиология назора-ти марказлари» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг 29-бандидаги «давлат санитария-гигиена назорати мар-кази» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломат-лиги хизмати бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-илованинг 7-бандидаги «давлат санитария-эпидемиология марказлари» ва «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари «санитария-эпидемиологик осо-йишталик ва жамоат саломатлиги бўлимлари» ва «Санитария-эпидемиоло-гия хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

66. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 августдаги 707-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулот-лари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом-нинг 11-банди «а» кичик бандидаги «санитария-эпидемиологик назорат» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирил-син.

67. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги 737-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2019 й., 9-сон, 208-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисидаги низомда:

15-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда — Соғлиқни сақлаш вазирлиги)» сўzlари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (кейинги ўринларда — Санитария-эпидемиология хизмати)» сўzlари билан алмаштирилсин;

39-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг» сўzlари «Санитария-эпидемиология хизматининг» сўzlари билан алмаштирилсин;

40-банднинг тўққизинчи хатбошисидаги, 41-банднинг еттинчи хатбошисидаги, 46-банддаги, 51-банднинг олтинчи хатбошисидаги ва 55-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг» сўzlари «Санитария-эпидемиология хизматининг» сўzlари билан алмаштирилсин;

60-банддаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария назорати (кейинги ўринларда Давлат санитария назорати деб аталади)» сўzlари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўzlари билан алмаштирилсин;

61-бандда:

саккизинчи хатбошидаги «Санитария ва эпидемиология давлат назоратининг» сўzlари «Санитария-эпидемиология хизматининг» сўzlари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат санитария-эпидемиология назорати республика марказига» сўzlари «Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппаратига» сўzlари билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази» сўzlари «Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппарати» сўzlари билан алмаштирилсин;

66-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«66. Сув ҳавзалари сувининг санитария-гигиеник мониторинги натижалари баённома билан расмийлаштирилади, унинг асл нусхаси Санитария-эпидемиология хизматининг тегишли худудий органида сақланади.

Таҳлиллар натижалари олингандан кейин бир сутка мобайнida уларнинг натижалари Санитария-эпидемиология хизматининг худудий органи томонидан Атроф табиий муҳит мониторинги тизимининг ягона геоахборот маълумотлар базасига киритилади.

Муайян худудда сув ҳавзалари сувининг санитария-гигиеник мониторингининг умумлаштирилган маълумотлари, шунингдек, тегишли харита-схемалар ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунигача қофоз шаклида Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппаратига юборилади.

Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппарати ҳар чоракда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунигача сув ҳавзалари сувининг санитария-гигиеник мониторингининг умумлаштирилган маълумотларини Марказга юборади»;

70-банднинг учинчи хатбоисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизматининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг 1, 2 ва 3-босқичларидағи «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

68. Вазирлар Маҳкамасининг «Йўлбўйи ва туристик инфратузилмани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 21 сентябрдаги 793-сон қарорида:

а) 1-илованинг еттинчи хатбоиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лавозими бўйича — Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи»;

б) 2-илованинг иккинчи хатбоисидаги «давлат санитария-эпидемиология назорати» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

69. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 октябрдаги 869-сон қарори билан тасдиқланган Санкцияланмаган (эгасиз) ионлаштирувчи нурланиш манбалари аниқланганда назорат қилувчи органлар ва ҳарбийлашган тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибида:

а) 3-банддаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-бандда:

биринчи хатбоидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбоиларидағи «Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

70. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 ноябрдаги 912-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали шахслар, транспорт воситалари ва товарларни ўтказиш пунктларида чегара, божхона, санитария-карантин, фитосанитария ва ветеринария назоратидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг ўнинчи хатбоисидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 125-бандда:

олтинчи хатбоидаги «Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизматининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирма тўққизинчи хатбоидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўттиз иккинчи хатбошидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 126-банднинг иккинчи хатбошидаги «Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

71. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги 981-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомнинг барча матни бўйича «давлат санитария назорати» сўзлари тегишли келишикдаги «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

72. Вазирлар Маҳкамасининг «Мева ва сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 4 марта 119-сон қарорида:

а) 1-илованинг 78-бандидаги «Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

I, II, IV, VII босқичларнинг «Субъектлар» қаторидаги «Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

В босқичнинг «Субъектлар» қаторидаги «Санитария-эпидемиология назорати» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

73. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 марта 164-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншооти паспортини бериш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентида:

16-банднинг иккинчи хатбошидаги «санитария-эпидемиология назорати органларига» сўзлари «санитария-эпидемиология бўлимларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловадаги «санитария-эпидемиология назорати органлари» сўзлари «санитария-эпидемиология бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

74. Вазирлар Маҳкамасининг «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 23 марта 176-сон қарорида:

а) 2-бандда:

ўн иккинчи хатбошидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи хатбошидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсинг;

ўн бешинчи хатбошидаги «Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсинг;

б) 3-бандда:

«а» кичик банднинг иккинчи хатбошидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсинг;

«б» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан изоляция қилиниши лозимлиги ҳақида талаб қўйилган шахслар билан бирга яшовчи шахслар ҳам 14 кун давомида ёки санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан белгилаб берилган муддат давомида уйда ёки маҳсус белгиланган жойда изоляция шароитида бўлишга мажбурдирлар;»;

«г» кичик банднинг тўртинчи хатбошидаги «давлат санитария назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсинг;

«д» кичик банддаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсинг;

в) 15-банддаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсинг;

г) Коронавирус инфекцияси аниқланганда (гумон қилинганда) бажариладиган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармалари ҳамда барча тибиёт мусассасалари коронавирус инфекциясига гумон қилинган бемор аниқланганда зарур тиббий-санитария чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул ҳисобланади»;

10-банддаги «санитария-эпидемиологик осойишталик марказига» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимiga» сўзлари билан алмаштирилсинг;

15-банднинг иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидағи «санитария-эпидемиологик осойишталик маркази» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими» сўзлари билан алмаштирилсинг;

16-банднинг иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидағи «санитария-эпидемиологик осойишталиқ маркази» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-бандда:

учинчи хатбошидаги «санитария-эпидемиологик осойишталиқ марказига» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги бўлимига» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «санитария-эпидемиологик осойишталиқ маркази» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) илованинг* матни кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

75. Вазирлар Маҳкамасининг «Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 9 апрелдаги 210-сон қарорида:

а) 1-иловада:

44-банднинг иккинчи хатбошидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигидан» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизматидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

64-банддаги «Давлат санитария назорати» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

42-банднинг иккинчи хатбошидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигидан» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизматидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

62-банддаги «Давлат санитария назорати» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-иловада:

38-банднинг иккинчи хатбошидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигидан» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизматидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

58-банддаги «Давлат санитария назорати» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

76. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 25 апрелдаги 254-сон қарорида:

а) 2-иловада:

2-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси хузуридағи Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталиқ агентлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

11, 12 ва 51-бандлардаги «санитария-эпидемиологик осойишталиқ мар-

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

казлари» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

66-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси, Соғликни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-иловада:

2-банддаги «санитария-эпидемиологик осойишталик марказлари» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги «санитария-эпидемиологик осойишталик маркази» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги «санитария-эпидемиологик осойишталик марказлари» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

13-банднинг иккинчи хатбошисидаги «санитария-эпидемиологик осойишталик марказига» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг бўлимига» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банддаги «санитария-эпидемиологик осойишталик марказлари» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банддаги «Санитария-эпидемиологик осойишталик марказлари» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

77. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 майдаги 301-сон қарори билан тасдиқланган Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби, шунингдек, лицензия талаблари ва шартларини бузганлик учун кўлланадиган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги низомнинг 8-банди иккинчи хатбошисидаги «санитария-эпидемиологик осойишталик марказларининг» сўзлари «санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлимларининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

78. Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголсиз ичимликларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 1 июнданги 345-сон қарорида:

а) 1-иловада:

6-банднинг ўн учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

57-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

6) 2-иловада:

I, II босқичларнинг «Субъектлар» устуnidаги «Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси, Санитария-эпидемиология осойишталик агентлиги» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

IV, VII босқичларнинг «Субъектлар» устуnidаги «Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси» сўзлари «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

V босқичнинг «Субъектлар» устуnidаги «Санитария-эпидемиология назорати» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

79. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 августдаги 496-сон қарори билан тасдиқланган Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламентда:

26-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «давлат санитария назорати» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг 11-босқич «Тадбирлар» устуnidаги ва 12-босқич «Субъектлар» устуnidаги «Давлат санитария назорати» сўзлари «Санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

80. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 октябрдаги 636-сон қарори билан тасдиқланган Узоқ масофада жойлашган ва муҳим аҳамиятга эга бўлган обьектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишнинг вахта усули тўғрисидаги низомда:

а) 16-банднинг иккинчи хатбошисидаги «давлат санитария» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 45-банддаги «санитария-эпидемиология станциялари» сўзлари «санитария-эпидемиология хизмати бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 19 ноябрдаги 694-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат санитария назорати самараадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 8 апрелдаги 147-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 2-сон, 19-модда) илованинг 10-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар кадрларини аттестациядан ўтказиш түғрисидаги низомни ҳамда давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар кадрларини танлаш тартиби түғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2015 йил 20 августдаги 243-сон қарорининг 2-банди ҳамда 3-иловаси.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш түғрисида» 2019 йил 23 февралдаги 161-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2019 й., 2-сон, 24-модда) 1-илованинг 1-банди.

БЕШИНЧИ БҮЛİM

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

699 **Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битиравчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1963-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ-5263-сон «Норматив-хуқукий хужжатлар ва уларнинг лойихаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон «Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазиридининг 2009 йил 22 майдаги 160-сон бўйруғи (рўйхат рақами 1963, 2009 йил 5 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 23-сон, 267-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битиравчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ТОШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 10 ноябрь,
38-2021-сон

* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг
2021 йил 10 ноябрдаги 38-2021-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари
битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Низом мұқаддимаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конунига мувофиқ олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартибини белгилайди.».

2. 5-банднинг учинчи хатбошисидаги «(умумкасбий ва ихтисослик)» деган сўзлар «(мажбурий фанлар)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 8-банднинг биринчи хатбошисидаги «ихтисослик фанларидан» деган сўзлар «мажбурий фанлардан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 9-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Олий таълим муассасалари томонидан тажрибали профессор-ўқитувчиларни жалб этган ҳолда якуний давлат аттестацияси синовларининг дастурлари ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади ҳамда олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан тасдиқланади ва якуний давлат аттестацияси бошланишидан камида уч ой олдин талабалар эътиборига етказилади.».

5. 10-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Якуний давлат аттестацияси комиссиялари раислигига номзодлар кафедра мудири томонидан тасдиқлаш учун олий таълим муассасаси ректорига (филиал директорига) тақдим этилади.».

6. 11-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Якуний давлат аттестацияси комиссияси раислари олий таълим муассасасининг идоравий мансублигидан қатъи назар, ушбу таълим муассасасида фаолият юритмайтган олимлар, ишлаб чиқаришнинг тажрибали мутахassisларидан тегишли олий таълим муассасаси ректорининг (филиал директорининг) бўйруғи билан бир йил (календарь йил) муддатга тасдиқланади.

Бир киши кетма-кет бир олий таълим муассасасида тегишли йўналиш (мутахassisлик) бўйича икки мартадан ортиқ якуний давлат аттестацияси комиссиясининг раиси бўлиши мумкин эмас.».

7. 12-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Якуний давлат аттестацияси комиссияси раислари раҳбарлигига олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) билан биргаликда хорижий тил бўйича якуний давлат аттестация синови (олий таълим муассасаси Кенгаши қарорига асосан) ва (ёки) таълим йўналиши (мутахassisлик) бўйича фанлараро якуний давлат аттестация синови ва диплом лойиҳаси ёки битирув малакавий иши (магистрлик диссертацияси) химоя-

си ёки мажбурий фанлардан якуний давлат аттестация синовини ўтказиш бўйича якуний давлат аттестацияси комиссиялари таркиби шакллантирилади.».

8. 14-банд қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«14. Якуний давлат аттестация комиссиялари таркиби камида 5 нафар профессор-ўқитувчи ва мутахассислардан шакллантирилади. Якуний давлат аттестациясида васийлик кенгаши ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг конуний вакиллари хамда кадрлар буюртмачилари жамоатчилик асосида кузатувчи сифатида катнашиши мумкин.

Якуний давлат аттестация синовлари жараёни онлайн режимда овозили видеотрансляция қилинади хамда ушбу видео тасвиirlар 1 йил давомида мутахассислик кафедрасида сақланади.».

9. 17-банддаги «олти ой» деган сўзлар «уч ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 19-банда:

биринчи хатбошидаги «ихтисослик фанларидан» деган сўзлар «мажбурий фанлардан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «ихтисослик фанларидан» деган сўзлар «мажбурий фанлардан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 23-банд қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«23. Якуний давлат аттестацияси синовидан ўта олмаган шахс ўқиши муддати тугагандан сўнг, аризасига мувоғик якуний давлат аттестацияси синовини кейинги 3 йил давомида қайта топшириш ҳуқуқига эга.

Якуний давлат аттестацияси синовидан ўта олмаган шахс кейинги ўқув илини бошланганидан кейин якуний давлат аттестация синовини қайта топширишга рухсат беришни сўраб олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) номига ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Бунда, шахсга якуний давлат аттестация синовини кейинги ҳар бир ўқув йилида (3 йил давомида) 2 мартадан ортиқ қайта топширишга йўл қўйилмайди.

Якуний давлат аттестация синовини қайта топширишга рухсат бериш олий таълим муассасаси ректорининг (филиал директорининг) буйруғи билан расмийлаштирилади.».

12. 24-банд қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«24. Якуний давлат аттестацияси синовидан кейинги 3 йил давомида қайта ўта олмаган талабага академик маълумотнома берилади ва у ўрнатилган тартибда, тўлов-контракт асосида тегишли битирув курсига ўқиш учун қайта тикланиши мумкин.».

13. 27-банд қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«27. Якуний давлат аттестацияси синовларида олган баҳосига эътиroz билдирган битирувчиларнинг аризаларини кўриб чиқиши учун олий таълим муассасаси ректорининг (филиал директорининг) буйруғи билан апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция комиссияси олий таълим муассасасининг илмий-педагогик кадрлари (апелляция комиссияси умумий таркибининг 40 фоизигача), шу-

нингдек тегишли соҳанинг малакали мутахассислари, турдош олий таълим муассасаларининг тажрибали профессор-ўқитувчи ва илмий ходимлари орасидан камида 5 кишидан иборат таркибда шакллантирилади.

Апелляция комиссияси таркиби жорий йилда якуний давлат аттестацияси комиссияси ишида иштирок этган шахсларнинг киритилиши тақиқланади.».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ РАЙСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**700 Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларига
наслли молларни аукцион (кимошди савдоси) орқали
сотишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг
9-бандига ўзгартериш киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
17 ноябрда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 1591-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартағи ПФ-5696-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва ахолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2006 йил 16 июндаги 128-сон буйруғи (рўйхат рақами 1591, 2006 йил 5 июль) (Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2006 й., 27-сон, 255-модда) билан тасдиқланган Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларига наслли молларни аукцион (кимошди савдоси) орқали сотишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-банди бешинчи хатбоиси кўйидағи таҳрирда баён этилсин:

«юридик шахсларнинг ишончли вакили қатнашаётган бўлса, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;»

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 ноябрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор 2022 йил 1 январдан кучга киради.

Раис

Б. НОРКОБИЛОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 10 ноябрь,
01/11-08-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОФЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

701 «Умумий ўрта таълим муассасаси қошидаги логопедия шохобчаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
18 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2722-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон «Халқ таълими тизимиға бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон «Таълим-тарбия тизимиғи янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2015 йил 25 сентябрдаги 22-мх, 36, 39-ҚҚ-сон «Умумий ўрта таълим муассасаси қошидаги логопедия шохобчаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарорга (рўйхат рақами 2722, 2015 йил 26 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 43-сон, 550-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 18 ноябрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ таълими вазири**Ш. ШЕРМАТОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 29 октябрь,
32-мж-сон

Соғлиқни сақлаш вазири**А. ХАДЖИБАЕВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 20 октябрь,
33-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири****Н. ХУСАНОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 26 октябрь,
45-2021Қ/Қ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил
29 октябрдаги 32-мж-сон, Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг 2021 йил 20 октябрдаги
33-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирлигининг 2021 йил 26 октябрдаги
45-2021Қ/Қ-сон қарорига
ИЛОВА

**«Умумий ўрта таълим муассасаси қошидаги логопедия
шохобчаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги
қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига мувофик Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қила-ди:**»;

2. Низомда:

а) Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофик умумий ўрта таълим муассасаси қошидаги логопедия шохобчасининг (бундан бўён матнда логопедия шохобчаси деб юритилади) фаолият юритиш тартибини белгилайди.»;

- б) 8-банддаги «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шахар) бўлимига» деган сўзлар «туман (шахар) халқ таълими бўлимига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- в) 9-банддаги «Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шахар) бўлимининг Ўқувчиларни касбга йўналтиришни ва педагогик-психологик диагностикасини методик таъминлаш кичик гурухи» деган сўзлар «Туман (шахар) халқ таълими бўлимининг Болаларни ижтимоий-психологик қўллаб-куватлаш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- г) 10-банддаги «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шахар) бўлими» деган сўзлар «туман (шахар) халқ таълими бўлими» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- д) 11-банддаги «Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шахар) бўлими» деган сўзлар «Туман (шахар) халқ таълими бўлими» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- е) 19-банддаги «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шахар) бўлимининг» деган сўзлар «туман (шахар) халқ таълими бўлимининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- ж) 23-банддаги «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шахар) бўлимининг Ўқувчиларни касбга йўналтиришни ва педагогик-психологик диагностикасини методик таъминлаш кичик гурухига» деган сўзлар «туман (шахар) халқ таълими бўлимларининг Болаларни ижтимоий-психологик қўллаб-куватлаш марказларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- з) 2-илованинг 3-позициясидаги «муассасалари» деган сўз «ташкилотлари» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

702 Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий хизмат кўрсатувчи нодавлат тиббиёт ташкилотларига қўйиладиган талабларни тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
18 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3332*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карорига мувофиқ **буюраман**:

1. Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий хизмат кўрсатувчи нодавлат тиббиёт ташкилотларига қўйиладиган талаблар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ХАДЖИБАЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 октябрь,
37-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил
28 октябрдаги 37-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети
маблағлари ҳисобидан тиббий хизмат кўрсатувчи нодавлат
тиббиёт ташкилотларига қўйиладиган
ТАЛАБЛАР**

1. Нодавлат тиббиёт ташкилотлари имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий хизматлар кўрсатиш учун куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

а) маслаҳат, диагностика ва консерватив даволашдан иборат бўлган стационар турдаги нодавлат тиббиёт ташкилотлари учун:

* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 18 ноябрда эълон қилинган.

Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларга (рўйхат раками 2905, 2017 йил 28 июль) мувофиқ стационар турдаги нодавлат тиббиёт ташкилотлари учун белгиланган тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар билан жиҳозланган бўлиши;

стерилизация, клиник лаборатория, интенсив терапия бўлимларининг мавжуд бўлиши;

ихтисослик (ихтисосликлар) доирасида амбулатор-поликлиника хизматининг мавжудлиги;

б) маслаҳат, диагностика, консерватив ва оператив даволашдан иборат бўлган стационар турдаги нодавлат тиббиёт ташкилотлари учун мазкур талабларнинг «а» кичик бандида назарда тутилган талаблар билан биргаликда, қўшимча равишда қўйидагилар:

анестезиология ва реаниматология бўлиммининг мавжуд бўлиши;

камида иккита операция бўлимларининг мавжуд бўлиши;

операция қилувчи шифокорларда камида биринчи малакавий тоифанинг мавжуд бўлиши.

2. Мазкур талаблар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2021 йил 21 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

703 *Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва хуқуқий экспертизадан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
18 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3333*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни кўллаб-кувватлаш ва ахоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ва 2018 йил 13 апрелдаги ПФ-5415-сон «Давлат хуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 22 июндаги 390-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига «Е-қагоғ» электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буйораман**:

1. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш, хуқуқий экспертизадан ўтказиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Айрим идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини ўқотган деб топилсан.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2021 йил 15 ноябрь,
19-мҳ-сон

Р. ДАВЛЕТОВ

* Ушбу буйруқ «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 18 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2021 йил 15 ноябрдаги
19-мҳ-сон бўйруғига
1-ИЛОВА

**Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан
норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш,
юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш, хуқуқий
экспертизадан ўтказиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-куватлаш ва аҳоли саломатлигини мустахкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ва 2018 йил 13 апрелдаги ПФ-5415-сон «Давлат хуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 390-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига «Е-кагон» электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартибини белгилайди.

Мазкур Қоидалар Коракалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларига нисбатан тавсиявий тусга эга.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:
маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-хуқуқий хужжатлари (бундан бўён матнда қарор деб юритилади) — халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари ва вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари (бундан бўён матнда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари деб юритилади) қабул қиласидиган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида хуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий хужжат;

хуқуқий экспертиза — қарор лойиҳасининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юкорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга, юридик-техник жи-

ҳатдан расмийлаштиришнинг талабларига мувофиқлигини, шу жумладан қарор лойиҳасида ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлигини текшириш;

гендер-хуқуқий экспертиза — қарор лойиҳасини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш;

коррупцияга қарши экспертиза — қарор лойиҳасида коррупциявий омилларни аниқлаш, аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва чоралар кўришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи;

қонунчилик техникаси — хуқуқ ижодкорлиги фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш учун фойдаланиладиган қоидалар, методлар, во-ситалар ва усуслар (инструментлар) мажмуи;

«Е-қагор» электрон тизими — маҳаллий давлат ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарор ва фармойиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва хуқуқий экспертизадан ўтказишни таъминловчи электрон тизим.

2. Ўзбекистон Республикаси «Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида»ги Конунининг 16-моддасига мувофиқ ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳамда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколати доирасида қарорлар тарзида норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қиласи.

3. Қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, келишиш, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) адлия бўлимларида (бундан бўён матнда ҳудудий адлия органлари деб юритилади) хуқуқий экспертизадан ўтказиш «Е-қагор» электрон тизими орқали амалга оширилади.

«Е-қагор» электрон тизимини четлаб ўтган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қабул қилишга йўл қўйилмайди. Бундай хужжатлар юридик кучга эга эмас ҳамда у қабул қилинган пайтдан эътиборан ҳеч қандай хуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.

4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати (бундан бўён юридик хизмат деб юритилади) қарор лойиҳасини тегишли ҳудудий адлия органига хуқуқий, гендер-хуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш учун киритилишини таъминлайди.

5. Қарор лойиҳаси маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати томонидан Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари мухокамаси портали (regulation.gov.uz)га жамоатчилик мухокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилиши лозим.

6. Хуқуқий экспертиза якуни бўйича ҳудудий адлия органининг ижобий хуносаси мавжудлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қарорларни қабул қилиншининг мажбурий шарти ҳисобланади.

7. Хуқуқий нормаларни норматив-хуқуқий хужжат бўлмаган хужжатларга (хатлар, телефонограммалар, хусусий масалалар бўйича тушунтиришлар, якка тартибдаги хусусиятга эга хужжатлар ва бошқалар) киритилишига йўл қўйилмайди.

8. Махаллий давлат ҳокимияти органларининг куйидаги хужжатлари худудий адлия органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмайди:

а) шахсий тусдаги (лавозимга тайинлаш, бошқа лавозимга ўтказиш ёки лавозимидан озод қилиш, комиссия ва бошқа коллегиал органлар таркибини тасдиқлаш ва бошқа шу кабилар);

б) тезкор-фармойиши тусдаги (бир марталик топшириклар);

в) муқаддам белгиланган тартибни ижро этишни ташкил этишга йўналтирилган ҳамда янги ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олмаган, шу жумладан, бутун мазмуни бошқа органлар ва мансабдор шахсларнинг хужжатлари тўғрисида хабардор қилишдан иборат бўлган хужжатлар;

г) сессия, йиғилиш, конференцияларни чақириш тўғрисидаги хужжатлар;

д) лойиҳаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш тўғрисидаги хужжатлар;

е) тавсия хусусиятига эга бўлган хужжатлар;

ё) норматив-ҳуқуқий хужжатларга расмий шарҳ бериш тўғрисидаги хужжатлар;

ж) умуммажбурий хусусиятга эга бўлмаган бошқа хужжатлар.

9. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмайдиган хужжатларда умуммажбурий ҳуқуқий нормалар бўлмаслиги лозим.

10. Қарор лойиҳасида ҳатто битта умуммажбурий хусусиятга эга ҳуқуқий норма ўрнатилган бўлса ҳам, бундай лойиҳа албатта худудий адлия органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

2-боб. Қарор лойиҳасини «E-qagor» электрон тизими орқали ишлаб чиқиши

1-§. Қарор лойиҳасини «E-qagor» электрон тизими орқали ишлаб чиқишини ташкил этиш

11. Қарор лойиҳаси маҳаллий давлат ҳокимияти органининг масъул таркиби бўлинмаси ёки манфаатдор давлат органининг ҳудудий бўлинмаси томонидан (бундан буён матнда ишлаб чиқувчи деб юритилади) «E-qagor» электрон тизими орқали ишлаб чиқилади.

12. Ишлаб чиқувчи томонидан қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш учун ишчи гурух (комиссия) ташкил этилиши мумкин.

13. Ишчи гурух (комиссия) таркиби тегишли тармоқлар ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган таркиби бўлинмаларнинг, бошқа манфаатдор давлат органларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг тегишли билим ва тажрибага эга бўлган вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин. Бунда нодавлат ташкилотлар вакиллари, шунингдек фуқаролар ўз розилиги билан ишчи гурух (комиссия) таркиби киритилади.

14. Ишлаб чиқувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқишида:

қонунчиликнинг ҳолатини, қарор лойиҳасининг ҳуқуқий жиҳатдан тартиба солиши предмети бўйича қўлланилиш амалиётини ўрганади;

ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини хукуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган бўшлиқлар ва зиддиятларни, шунингдек хукуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни, қонунчиликнинг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шартшароитларни аниқлайди;

ижтимоий муносабатларнинг тегишли соҳасини тартибга солувчи норматив-хукуқий ҳужжатларни аниқлаш нуқтаи назаридан қонунчиликни хатловдан ўтказади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек айрим фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ҳамда мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ҳамда улардан фойдаланади;

халқаро хукуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини ҳисобга олади, шунингдек бошқа давлатлардаги хукуқий жиҳатдан тартибга солиш борасидаги тажрибани ўрганади;

қарор лойиҳасининг хукуқий жиҳатдан тартибга солиш предметига тааллуқли илмий тадқиқотлар натижаларини, оммавий ахборот воситаларидаги, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги мақолаларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганади;

қарорни амалга ошириш учун зарур бўладиган молиявий-иктисодий харажатларга бўлган эҳтиёжни, уларнинг ўрнини қоплаш миқдорлари ва манбаларини белгилайди.

2-§. Қарор лойиҳасининг матнига ва тузилишига доир талаблар

15. Қарор лойиҳасининг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилган бўлиши керак. Қарор лойиҳасининг матни турлича шарҳлаш ва талқин қилинишларга олиб келмаслиги керак. Қарор лойиҳасининг жумлалари расмий тил услубидан ва юридик атамалардан фойдаланилган ҳолда, умумий қабул қилинган грамматика, имло ва пунктуация қоидаларига мувофиқ тузилади.

16. Қарор лойиҳасининг матни қўйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

жумлаларнинг соддалиги ва қисқалиги;

таърифнинг аниқлиги;

баён этишининг тизимлилиги ва кетма-кетлиги.

17. Қарор лойиҳасида, шунингдек унга илова қилинадиган ҳужжатларда қўйидагиларнинг қўлланишига йўл қўйилмайди:

офзаки нутқ шакллари;

давлат тилида teng маъноли сўзлар ва тушунчалар мавжуд бўлган тақдирда, чет тиллари атамалари;

эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий тақослашлар, сифатлашлар, киноялар;

аббревиатура ва қисқартмалар (бундан умумий қабул қилинган аббревиатура ва қисқартмалар, шунингдек қонуности ҳужжатларининг иловаларидағи ташкилотларнинг қисқартирилган номлари мустасно).

Қарор лойиҳасида:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа хукуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган;

жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситиш имконини яратадиган;

жисмоний ва юридик шахслар учун жавобгарликни, кўшимча тўлов ва йиғимларни, ортиқча маъмурий ва бошқа чеклашларни белгилайдиган, уларга асосланмаган харажатлар юзага келишига олиб келадиган, шунингдек рухсат бериш хусусиятига эга бўлган хукукий нормалар киритилиши тақиқланади.

18. Қарор лойиҳасида қонунчиликда мавжуд бўлмаган тушунча ва атамалар, шунингдек техникавий ва бошқа маҳсус тушунчалардан фойдаланилганда уларнинг таърифлари берилади. Қонунчилик амалиётига мувофиқ умум қўлланиладиган тушунчаларга таъриф бериш талаб этилмайди.

19. Тушунчанинг ёки атаманинг таърифи унинг мазмунини тўлиқ очиб бериши керак. Тушунчани ёки атамани айнан шу тушунчанинг ўзи ва атама орқали, шунингдек ўзи таърифланиши лозим бўлган бошқа тушунча ва атамалар орқали таърифлашга йўл қўйилмайди.

20. Қарор лойиҳасида кўп маротаба қўлланилган уч ва ундан ортиқ тушунчага таъриф бериш зарурати бўлганда, улар алоҳида бандда кўрсатилади ва қарор лойиҳаси матнининг бошида келтирилади.

21. Сўз бирикмалари бир неча марта қўлланилган тақдирда, улар биринчи бор қайси таркибий бирликда (бандда, кичик бандда, хатбошида) қўлланилган бўлса, ўша таркибий бирликда тўлиқ таҳрирда баён қилинади ва мазкур тушунчанинг қарор лойиҳасининг кейинги қоидаларида қўлланиладиган қисқартирилган таърифи қавс ичидан бош келишикда кўрсатилади.

22. Қарор лойиҳасида, қоида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган норматив-хукукий ҳужжатда кўрсатилган хукукий нормалар қайта такрорланмайди.

Зарур бўлганда, қарор лойиҳасида юкорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-хукукий ҳужжатларнинг айрим қоидалари мазкур норматив-хукукий ҳужжатларга ҳавола қилинган ҳолда акс эттирилади.

23. Бошқа норматив-хукукий ҳужжатларга доир ҳаволалар хукукий нормаларнинг ўзаро боғликлигини кўрсатиш зарурати бўлган ҳоллардагина ёки такрорлашларга йўл қўймаслик учунгина лойиҳа матнига киритилишига йўл қўйилади. Ҳаволалар аниқ бўлиши ва муайян норматив-хукукий ҳужжат ёки унинг алоҳида қоидаларини кўрсатиши керак.

Ҳар бир ҳавола қарор лойиҳаси бўйича тайёрланаётган тушунтириш ҳатида норматив-хукукий ҳужжатнинг реквизитлари, унинг ҳавола қилинаётган таркибий бирлиги кўрсатилган ҳолда асослантирилиши керак.

Қарор лойиҳасида давлат органларининг баённомаларига, топшириқларига ва хатларига ҳавола килишга йўл қўйилмайди.

24. Қарор лойиҳаси бандининг матнини шу лойиҳанинг бошқа бандларида тақрор баён қилишга йўл қўйилмайди.

25. Қарор лойиҳасининг тузилиши хуқуқий тартибга солиш предметининг мантиқан ривожланиб бориши ва ёритилишини таъминлаши керак.

26. Ҳажмига кўра қарор лойиҳаси пасайиб борувчи қўйидаги таркибий бирликларга бўлинади: бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар, параграфлар, бандлар, кичик бандлар ва хатбошилар.

27. Қарор лойиҳасининг бўлимлари рим рақамлари, кичик бўлимлари ва боблари эса араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади. Параграфлар «§» белгиси билан белгиланади, араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади.

Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфларнинг белгиси ва номи бош ҳарф билан, «яrim қора» шрифтда, матн марказига тўғриланган ҳолда, қўштироқларсиз, қаторлар ўртасидаги бирлик интервалда ва сатр бошилиз, битта қаторда рақами кўрсатилиб, кетидан нуқта қўйилган ҳолда ёзилади.

28. Қўйидаги таркибий бирликнинг киритилишига йўл қўйилмайди:
агар қарор лойиҳасида боблар бўлмаса, «бўлим» бирлигининг;
агар қарор лойиҳасида бўлимлар бўлмаса, «кичик бўлим» бирлигининг;
агар қарор лойиҳасида бандлар бўлмаса, «кичик банд» ва «хатбоши» бирликларининг.

29. Ҳар бир ишлаб чиқиладиган қарор лойиҳаси номга эга бўлиши керак. Ном қиска, тушунарли ифодаланиши ва унинг асосий хуқуқий тартибга солиш предметини акс эттириши зарур.

30. Қарор лойиҳаси уни қабул қилиш сабаблари ва мақсадларини тушуниришдан иборат бўлган, қарор лойиҳасининг бошланишида жойлаштириладиган муқаддимага эга бўлиши мумкин.

Карор лойиҳасининг муқаддимаси унинг мазмунини мантиқий ривожлантирувчи бир нечта хатбошиларда баён этилиши мумкин.

Муқаддима:

мустақил норматив кўрсатмаларни ўз ичига олмаслиги;

қарор қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган деб тоғилиши, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга доир ҳаволаларга эга бўлмаслиги;

қарор лойиҳасида қўлланиладиган асосий тушунчаларнинг аҳамиятини ўз ичига олмаслиги;

ракамланмаслиги керак.

31. Қарор лойиҳасининг муқаддимасида унинг қабул қилиниши учун асос бўлган ёки ижроси таъминланаётган қонунчилик ҳужжатлари кўрсатилиши мумкин.

32. Қарор лойиҳасида унинг (ёки унинг таркибий бирликларининг) расман эълон қилингандан сўнг ёхуд бошқа кечроқ муддатда кучга кириши тўғрисида банд киритилиши лозим.

Бунда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиб-таомили муреккаблаштирилишини ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари зиммасига

янги мажбуриятлар юклатилишини назарда тутадиган, шунингдек уларнинг жавобгарлигига оид янги чораларни белгилайдиган норматив-хукукий хужжатлар расмий эълон қилинган кундан эътиборан камида уч ойдан кейин кучга киради.

33. Қарор лойиҳасида хукукий нормалар араб рақамларида нуқта қўйилган ҳолда кетма-кет рақамланиб, бандлар тарзида баён қилинади, шунингдек сарлавҳаларга эга бўлмайди.

Хукукий нормаларни иккиланган (қўшалок) тарзда рақамлашга ҳамда бир вақтнинг ўзида кичик бандларни ва мустақил (кичик бандлар билан боғланмаган) хатбошиларни баён этишга йўл қўйилмайди.

34. Ҳар бир банд, қоида тариқасида, битта хукукий нормани ўз ичига олиши ҳамда тўлиқ ва тугалланган мазмунга эга бўлиши керак.

Қарор лойиҳасининг қарор қисмига энг муҳим бўлган хукукий нормалар киритилади.

35. Бандлар кичик бандлар ёки хатбошиларга бўлиниши мумкин.

36. Кичик бандлар доирасимон қавс билан ёпиладиган кичик ҳарфлар билан белгиланади. Ҳарфлар алифбо бўйича кетма-кетликда баён қилиниши керак.

37. Кичик бандлар фақат хатбошиларга бўлиниши мумкин. Хатбошилар бошланишида дефис ёки бошқа белгиларни ишлатишга йўл қўйилмайди.

38. Қарор билан ушбу хужжатларнинг таркиби юридик-техник жиҳатдан қарор қисмига таалублар, рўйхатлар, жадваллар, графиклар, таифлар, хариталар, схемалар, тузилмалар, хужжатларнинг, бланкаларнинг намуналари, шунингдек тавсия хусусиятига эга хужжатлар (намунавий низомлар, уставлар, услубий тавсиялар ва бошқалар) илова қилиниши мумкин.

39. Қарор лойиҳасига талаблар, рўйхатлар, жадваллар, графиклар, таифлар, хариталар, схемалар, тузилмалар, хужжатларнинг, бланкаларнинг намуналари, шунингдек тавсия хусусиятига эга хужжатлар (намунавий низомлар, уставлар, услубий тавсиялар ва бошқалар) илова қилиниши мумкин.

40. Агар қарор лойиҳасининг қарор қисмидаги бандлари (кичик бандлари, хатбошилари) билан хужжатларни тасдиқлаш назарда тутилган бўлса, норматив-хукукий хужжатнинг тегишли таркиби бирлиги ва у томонидан тасдиқланадиган хужжатнинг номи бир-бирига мос равишда баён этилиши керак.

41. Бўлимлардан иборат бўлган иловалар изчил кетма-кетликда рақамланган бандларга эга бўлади. Бўлим номга эга бўлади.

3-§. Қарор лойиҳасини юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва расмий эълон қилиш манбаларини кўрсатиш тартиби

42. Қарор лойиҳасининг матни А4 форматдаги варақнинг бир томонида унинг масштаби кичрайтирилмаган ҳолда жойлаштирилиши керак.

43. Агар қарор лойиҳаси икки ёки ундан ортиқ сахифада баён этилган бўлса, унинг ҳар бир сахифаси ва иловалари алоҳида рақамланиши керак. Сахифанинг тартиб рақами сахифанинг юқорисида ўртада 2 рақамидан бошлаб ёзилади. Биринчи сахифада 1 рақами қўйилмайди.

44. Қарор лойиҳаси, қоида тариқасида, Microsoft Word редакторидан ва қўйидаги параметрлардан фойдаланган ҳолда тайёрланади:

саҳифанинг чап ҳошияси 3 см, ўнг ҳошияси 2 см, паст ва юқори ҳошиялари 2 см;

14 ўлчамли шрифт;

биринчи қаторнинг сатр бошиси 1,27 см;

қаторлар ўртасидаги интервал (множитель) 1.

45. Қарор лойиҳасининг биринчи саҳифа юқори қисмининг ўнг бурчагида «Лойиҳа» сўзи кўйилади, унинг ўлчами матн шрифти ўлчами билан айнан бир хил бўлиши лозим.

46. Қарор лойиҳаси турининг матни бош ҳарфлар билан, матнини марказга тўғрилаган ҳолда, «яrim қора» шрифтда, қаторлар ўртасидаги бирлик интервалда ва сатр бошилиз расмийлаштирилади. Қарор лойиҳасининг тури икки қаторда ифодаланади.

47. Қарор лойиҳасининг номи кичик ҳарфларда, «яrim қора» шрифтда, матн марказга тўғриланган ҳолда, кўштироқларсиз, қаторлараро бирлик интервалда ва сатр бошилиз ёзилади.

48. Матннинг ҳар бир қаторида сўзлар кўчирилмасдан тугалланган бўлиши лозим. Ҳар бир қатор охирида боғловчилар, «№» белгиси, сонлар қисми, аббревиатуралар ва бошка шу кабилар, қоида тариқасида, қолдирилмайди.

49. Илова белгиси 12 ўлчамли шрифтда саҳифанинг юқори ўнг бурчагида, илованинг рақами (агар иловалар бир неча бўлса), илова қилинаётган норматив-хукуқий ҳужжат тури кўрсатилган ҳамда ҳужжат рақами ва санаси учун жой қолдирилган ҳолда жойлаштирилади.

50. Илованинг номи кичик ҳарфларда, «яrim қора» шрифтда, матн марказга тўғриланган ҳолда, кўштироқларсиз, қаторлар ўртасидаги бирлик интервалда ва сатр бошилиз ёзилади.

4-§. Қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги лойиҳаларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари

51. Қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси, қоида тариқасида, қўйидаги ҳолларда тайёрланади:

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларининг ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг қонунчиликни янгидан қабул қилинган норматив-хукуқий ҳужжатларга мувофиқлаштиришга доир талабларини бажариш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топширикларини бажариш учун;

агар ишлаб чиқилаётган қарор лойиҳаси бошка қарорларга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш заруриятини келтириб чиқарса;

карор лойиҳасини тайёрлаш жараёнида худди шундай муносабатларни тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжат мавжудлиги маълум бўлиб қолганда ҳамда янги норматив-хуқуқий хужжатни қабул қилмасдан мазкур норматив-хуқуқий хужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш йўли билан хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш имконияти аниқланганда;

айни бир масала бўйича бир талай норматив-хуқуқий хужжатлар мавжуд бўлишини ва хуқуқий нормаларда аниқланган зиддиятларни бартараф этиш учун.

52. Кўйидагилар қарорларга ўзгартиришлар киритиш деб эътироф этилади:

рақамлар, сўзлар, жумлалар, графалар, блоклар ва позицияларни алмаштириш;

хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, кичик бўлимлар, бўлимлар, иловаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ёки рақамлар, сўзлар, жумлалар, графалар, блоклар, позициялар ва хатбошиларни чиқариб ташлаш;

хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, кичик бўлимлар, бўлимлар, иловаларни, шунингдек параграфлар, боблар, кичик бўлимлар, бўлимлар, иловаларнинг номларини янги таҳrirда баён қилиш.

Графа — икки вертикал чизик билан чегараланган жадвал шаклида ифодаланган матннинг, хужжатнинг бўлими ёки банди.

Блок — турли шаклларда (тўртбурчак, тўғри бурчак, цилиндр, овал ва ҳ.к.) функционал жиҳатдан бирлаштирилган жадвалларнинг бир қисми;

Позиция — икки горизонтал чизик билан чегараланган жадвал шаклида графада ифодаланган матннинг, хужжатнинг бўлими, кичик бўлими, боби, банди, кичик банди.

53. Кўйидагилар қарорларга қўшимчалар киритиш деб эътироф этилади:

қарорнинг таркиби бирлигини янги сўзлар, рақамлар ёки жумлалар билан тўлдириш;

қарорларни таркиби бирликлар (бўлим, кичик бўлим, боб, параграф, илова, графа, блок, позиция, банд, кичик банд ва хатбоши) билан тўлдириш.

54. Қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи матн қўйидагиларга бўлинади:

арабча рақамлар билан нуқта қўйиб рақамланадиган бандлар;

кичик ҳарфларда қавс билан рақамланадиган кичик бандлар;

хатбошилар.

55. Агар банд билан тегишли қарорга фақат битта ўзгартириш ёки қўшимча киритиш назарда тутилган бўлса, кичик бандлар қўлланилмайди.

56. Қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда унинг бўлимлари, кичик бўлимлари, боблари, параграфлари, бандлари рақамлар билан рақамланиши ҳамда кичик бандларининг рақамлар билан рақамланиши ёки ҳарфлар билан рақамланиши ўзгармайди.

57. Агар қарорлар янги таркиби бирликлар билан тўлдирилаётган

бўлса, уларни асосий рақам ёки ҳарф белгилари тепасига қўйиладиган қўшимча рақамлар билан белгилаш зарур.

58. Асосий рақам ёки ҳарф белгилари тепасига қўйиладиган рақамларни қўшишга фақат кейинги ўзгартиришлар ва қўшимчаларни киритишида йўл қўйилади. Таркибий бирликларнинг барча рақамланиши ўзгаришининг олдини олиш учун бундай белгилардан фақат кейинги қўшимчаларда фойдаланилади.

59. Агар тегишли қўшимчалар қарорларнинг таркибий бирлиги (бўлим, кичик бўлим, боб, параграф, банд, кичик банд ва хатбоши) охирига киритилаётган бўлса, мавжуд рақамланиш давом этади.

60. Банд ёки кичик банд янги хатбоши билан тўлдирилганда мазкур банднинг ёки кичик банднинг кейинги хатбошилари рақамланиши тегишли тартибда ўзгаради.

61. Агар қарор лойихаси бир вақтнинг ўзида бир нечта қарорларга ёки уларнинг таркибий бирликларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутаётган бўлса, мазкур хужжатлар (уларнинг юридик кучи ва қабул қилинган санаси бўйича) хронологик тартибда жойлаштирилади. Айнан битта санада қабул қилинган норматив-хукукий хужжатлар уларнинг рақамларига мувофиқ ортиб бориш тартибида жойлаштирилади.

62. Агар қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги нормаларни ўз ичига олган лойихада ушбу нормалар икки ёки ундан ортиқ бандни ташкил этса ва ҳажми катта бўлса, улар лойихага илова (иловалар) тарзида тайёрланади.

63. Қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда мазкур хужжатнинг тури, қабул қилиш санаси, рақами ва номи кўрсатилади.

64. Агар тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар қарорнинг иловасига киритилаётган бўлса, қарор лойихасида тегишли норматив-хукукий хужжатнинг номи келтирилмайди, балки у билан тасдиқланган илованинг номи кўрсатилади.

65. Ўзгартирилаётган, қўшилаётган ва чиқариб ташланаётган сўзлар ҳамда рақамлар қўштирноқ ичига олинади.

66. Агар илованинг, бўлимнинг, кичик бўлимнинг, бобнинг, параграфнинг, банднинг, кичик банднинг, хатбошининг ва жумланинг матнини сезиларли ўзгартириш талаб этилса, уларни янги таҳrirда баён этиш зарур.

67. Агар қарорнинг банди ёки кичик банди кириш хатбошисининг давоми бўлган хатбошилардан иборат бўлса, хатбошиларни ҳисоблаш кириш хатбошисидан бошланади.

68. Қарорларни ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи қарор лойихасининг иловаси фақат бандлардан иборат бўлади. Бу ҳолда бандлардан иборат ўз кучини йўқотган деб топилаётган қарорларнинг рўйхати келтирилади.

69. Бутун қарорни ёки унинг кичик бандига қадар бўлган, шу жумладан кичик бандни ҳам қўшган ҳолда, таркибий бирлигини ўз кучини йўқотган деб топиш зарур бўлган ҳолларда, ушбу хужжат умуман ёки унинг

кичик бандига қадар бўлган, шу жумладан кичик бандни ҳам қўшган ҳолда, таркибий бирлиги ўз кучини йўқотган деб топилади.

Қарорнинг хатбоши тарзидаги таркибий бирлигини ўз кучини йўқотган деб топиш зарур бўлган ҳолларда, мазкур хатбоши чиқариб ташланади.

70. Қарорнинг тегишли таркибий бирликлари ўз кучини йўқотган деб топилган тақдирда, кейинги таркибий бирликларнинг рақамланиши ўзгармайди.

Хатбоши чиқариб ташланганда кейинги хатбошиларнинг кетма-кетлиги қайта қўриб чиқилади.

71. Агар қарорда фақат битта амалдаги таркибий бирлик мавжуд бўлиб, қолганлари эса ўз кучини йўқотган бўлса, ушбу таркибий бирликни ўз кучини йўқотган деб топиш зарур бўлган тақдирда, бутун норматив-хукукий ҳужжат ўз кучини йўқотган деб топилиши шарт.

72. Ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган қарорларнинг рўйхатларига амал қилиш муддати тугаган вақтнчалик тусдаги ҳужжатлар ёки нормалар киритилмайди.

73. Амал қилиш муддати тугаган қарор алоҳида нормасининг ёки бутун норматив-хукукий ҳужжатнинг амал қилиш муддати узайтирилмайди. Бу ҳолда янги норма киритилишини назарда тутувчи лойиҳа тайёрланади.

74. Агар ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган бандда, кичик бандда ёки хатбошида тегишли равища ўз кучини йўқотиши керак бўлган иловага кўрсатма мавжуд бўлса, мазкур таркибий бирлик ва унда назарда тутилган илова ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим.

Агар илова тўлиқ ўз кучини йўқотган деб топилиши мумкин бўлмаса, унинг фақат тегишли таркибий бирликлари ўз кучини йўқотган деб топилиши (чиқариб ташланиши) лозим.

75. Қарор тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган деб топилган тақдирда, ўз кучини тўлиқ ёки қисман йўқотган деб топилаётган қарорга қайси қарорнинг қоидаларига кўра ўзгаришиш ва қўшимчалар киритилган бўлса, ўша қарорнинг тегишли қоидалари ҳам ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим.

Илгари қабул қилинган қарорни ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи қарор ўз кучини йўқотган деб топилган тақдирда, илгари қабул қилинган қарорнинг амал қилиши тикланмайди. Мазкур қоида қарорнинг таркибий бирлигини ўз кучини йўқотган деб топишга (чиқариб ташлашга) нисбатан ҳам татбиқ этилади.

3-боб. Қарор лойиҳасини манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишиб олиш

76. Ишлаб чиқувчи қарор лойиҳасига биринчи раҳбар даражасида «Е-лагог» электрон тизими орқали виза қўяди ҳамда қарор лойиҳасини узилкесил келишиб олиш (виза қўйиш) учун манфаатдор давлат органининг соҳага масъул худудий бўлинмаларига (бундан буён матнда манфаатдор ташкилотлар деб юритилади) юборади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

77. Куйидагилар билан мажбурий тартибда келишиб олинади:

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ёки вилоятлар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармалари ёки туман (шахар) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари билан — барча лойиҳалар, шу жумладан ҳудудий ривожланиш дастурлари ва инвестиция дастурлари лойиҳалари;

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимлеклари молия бош бошқармалари ёки туман (шахар) ҳокимлеклари молия бўлимлари билан — маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратишга доир лойиҳалар.

Қарор лойиҳаси қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳам мажбурий тартибда келишиб олинади.

78. Манфаатдор ташкилотлар «E-қагоғ» электрон тизими орқали кўриб чиқиши учун келиб тушган қарор лойиҳасини 3 кун муддатда:

иш юритувига қабул қиласи ҳамда кўриб чиқади;

электрон рақамли имзо қўйиш йўли билан келишади (виза қўяди) ёки зарурат бўлганда қарор лойиҳаси юзасидан ишлаб чиқувчига электрон тизими орқали ўз таклиф ва эътиrozларини кўрсатган ҳолда жавоб хатини кирилади;

келишилган қарор лойиҳасини ишлаб чиқувчига юборади.

79. Манфаатдор ташкилотларга келишиш учун киритилган ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан белгиланган муддатларда «E-қагоғ» электрон тизими орқали муносабат билдирилмаган тақдирда, қарор лойиҳаси келишилган ҳисобланади.

80. «E-қагоғ» электрон тизими орқали юбориладиган хатда асосланмаган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ишлаб чиқувчи томонидан қабул қилинмаслиги мумкин. Бунда асосланмаган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар қабул қилинмаганлигининг оқибатлари учун жавобгарлик манфаатдор ташкилотнинг ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини асослаб бермаган биринчи раҳбари зиммасига юклатилади.

81. Қабул қилиниши қарор лойиҳасининг мазмуни ва тузилишини жиддий равишда ўзгартирадиган, қарор лойиҳасига доир бўлган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар мавжуд бўлган тақдирда манфаатдор ташкилот ўзининг қарор лойиҳаси вариантини «E-қагоғ» электрон тизими орқали ишлаб чиқувчига таклиф этиши мумкин.

82. Ишлаб чиқувчи 3 кун муддатда манфаатдор ташкилотлар билан келишилган қарор лойиҳасини электрон тизимдан олади ва уни манфаатдор ташкилотнинг тегишли хulosасини ҳисобга олган ҳолда (зарур ҳолларда) якуний кўриб чиқади ҳамда уни электрон тизим орқали тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органига (ҳоким қарори лойиҳалари бўйича) ёки маҳаллий вакиллик органлари котибиятига (халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорлари бўйича) киритади.

83. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг тегишли таркибий бўлинмаси, маҳаллий вакиллик органлари котибияти 3 кун муддатда «E-қагоғ»

электрон тизими орқали келиб тушган қарор лойиҳасини иш юритувига қабул қиласди ва уни кўриб чиқади ҳамда қарор лойиҳасини электрон рақами имзо қўйиш ўёли билан келишади (виза қўяди) ёки зарурат бўлганда уни ишлаб чиқувчига электрон тизим орқали ўз таклиф ва эътиrozла-рини кўрсатган ҳолда қайтаради.

84. Ишлаб чиқувчи келишилган қарор лойиҳасини маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизматига киритади.

Бунда, қарор лойиҳасининг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари юзасидан Норматив-хуқуқий хужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 3287, 2021 йил 24 февраль) белгиланган тартибда коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича чеклист тўлдирилади ва қарор лойиҳасини ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари (истисно — унинг биринчи ўринбосари) имзоси билан расмийлаштирилади ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизматига қарор лойиҳаси билан бирга тақдим қилинади.

4-боб. Қарор лойиҳасини юридик хизмат томонидан хуқуқий экспертизадан ўтказиш

85. Юридик хизмат қарор лойиҳасини Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари мухокамаси порталига жамоатчилик мухокамаси ўтказилиши учун жойлаштиради.

86. Жамоатчилик мухокамаси якунлангандан сўнг юридик хизмат икки кун муддатда қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқорирок юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга, юридик-техник жихатдан расмийлаштиришнинг талабларига мувофиқлигини, шу жумладан қарор лойиҳасида хавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан хуқуқий экспертизадан ўтказади.

Қарор лойиҳасининг хуқуқий экспертизаси жараёнида юридик хизмат уларда коррупция учун, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида бошқа хуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратувчи, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ҳамда ўзга чекловларни жорий этувчи, тадбиркорлик субъектларининг асоссиз харатлари юзага келишига олиб келувчи қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш нуқтаи назаридан таҳлилни, шунингдек қарор лойиҳасининг Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари мухокамаси портали (regulation.gov.uz)га жойлаштирилиши натижаларини ҳам ўрганади.

Қарор лойиҳаси қонунчиликка, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ бўлган, шунингдек хавола қилувчи нормаларнинг қўлланилиши асосли ва мақсадга мувофиқ бўлган тақдирда, юридик хизмат унинг юзасидан хуқуқий хulosса тайёрлайди ҳамда хulosса юридик хизмат раҳбари (юридик хизмат раҳбари лавозими мавжуд бўлмаган тақдирда юридик хизмат ходими) томонидан имзоланади.

87. Юридик хизматнинг хуқуқий хulosасида қўйидагилар акс эттирилади:

норматив-хуқуқий хужжатни ишлаб чиқиш қайси норматив-хуқуқий хужжатларга биноан топширилган бўлса, ўша норматив-хуқуқий хужжатлар (номи, қабул қилинган санаси, рақами, эълон қилинган расмий манбай, топшириқ баён этилган тегишли банди (кичик банди, хатбошиси) тўғрисидаги, шунингдек юқори органнинг топшириклари (органнинг номи, топшириқнинг рақами ва санаси, зарур бўлган тақдирда, топшириқ берган мансабдор шахс) тўғрисидаги маълумотлар (топшириқ мавжуд бўлганда);

қарор лойихаси асосий қоидаларининг хуқуқий табиати тушунтирилган ҳолда, бу қоидалар моҳияти ва аҳамиятининг қисқача баёни;

қарор лойихасининг қонунчиликка, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек қарор лойихасидаги ҳар бир ҳавола қилувчи норма қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хulosаси;

қарор лойихасининг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилганлиги ва унинг натижалари ҳақидаги маълумотлар;

қарор лойихасининг коррупцияга қарши ва бошқа турдаги экспертизалардан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

88. Қарор лойихаси қонунчиликка ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ бўлмаганда, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар асоссиз ва мақсадга номувофиқ бўлганда, юридик хизмат икки кун муддатда ишлаб чиқувчининг лойихани тайёрлаш учун масъул бўлган таркибий бўлинмасига уни тегишли фикр-мулоҳазалар билан маромига етказиш учун қайтаради.

5-боб. Қарор лойихасининг ҳудудий адлия органларидағи хуқуқий экспертизаси

89. Барча манфаатдор ташкилотлар билан келишиб олинганидан кейин юридик хизмат қарор лойихасини қарорни қабул қилувчи органга киритишдан олдин уни хуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тегишли ҳудудий адлия органига «Е-қагог» электрон тизими орқали юридик хизмат хulosасини илова қилган ҳолда юборади.

90. Қарор лойихаси ҳудудий адлия органлари томонидан икки иш куни ичida хulosасиз «Е-қагог» электрон тизими орқали ишлаб чиқувчига қўйидаги ҳолларда хуқуқий экспертиза ўтказилмасдан «Е-қагог» электрон тизими орқали қайтарилади:

loyixa норматив-хуқуқий хусусиятга эга бўлмаса;

loyixa барча манфаатдор ташкилотлар билан уларнинг биринчи раҳбарлари (истисно ҳолларда — уларнинг биринчи ўринбосари) дарајасида келишиб олинмаганда;

юридик хизматнинг хуқуқий хulosасида қарор лойихасининг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилганлиги ва унинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилмаган бўлса.

91. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг қарорла-

ри лойиҳалари мазкур Кенгашлар сессиялари ўтказилишидан камидан беш кун олдин ҳудудий адлия органига «Е-қагоғ» электрон тизими орқали юридик хизмат томонидан тақдим этилади.

92. Ҳалқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг қарор лойиҳалари икки иш куни ичида ҳамда вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг қарор лойиҳалари беш иш куни ичида ҳудудий адлия органлари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

93. Қарор лойиҳаси ҳудудий адлия органлари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилаётганда:

унинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юкорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларга, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг талабларига мувофиқлиги, шу жумладан қарор лойиҳасида ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги аниқланади;

унда коррупция учун, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратувчи, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ҳамда ўзга чекловларни жорий этувчи, тадбиркорлик субъектларининг асоссиз харажатлари юзага келишига олиб келувчи қоидалар ва нормалар борйўқлигини аниқлаш нуқтаи назаридан таҳлили амалга оширилади;

унда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнини мураккалаштиришни ва тадбиркорлик субъектларига янги юридик мажбуриятлар юклатишни назарда тутадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектларига юридик жавобгарликнинг янги чораларини белгилайдиган нормалар мавжудлиги бўйича ўрганилади;

хуқуқий тартибга солиш предмети (муайян соҳадаги муносабат) ва хуқуқий тартибга солиш механизмининг ишлаб чиқилиш даражаси аниқланади, бунда тегишли муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинганлик ҳолати ва даражасига баҳо бериш мақсадида соҳага оид норматив-ҳуқуқий хужжатлар хатловдан ўтказилади.

94. Қарор лойиҳаси нормаларидаги муайян ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солишга салбий таъсир кўрсатадиган бўшлиқлар ва норматив-хуқуқий хужжатнинг қабул қилиниш зарурини, қарор лойиҳасининг номи унинг мазмунига мувофиқлиги, ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги ўрганилади.

Бунда қўйидагиларга аҳамият берилади:

қарор лойиҳасининг ушбу Қоидаларда кўрсатилган талабларга мос равища тайёрланганлиги ва расмийлаштирилганига;

ҳавола қилинаётган ҳужжатларнинг расмий манбалари тўғри кўрсатилганлигига;

қарор лойиҳаси билан бошқа қарорларга ўзgartiriш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилган бўлса, қарор лойиҳаси ушбу Қоидаларда кўрсатилган талабларга мос равища ишлаб чиқилганлигига.

95. Қарор лойиҳасида ишлатилган юридик, техник ва бошқа атамаларга баҳо беришда қўйидагилар ўрганилади:

атамаларнинг қонунчилик хужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофиқ, ҳар хил талқин қилиш имкониятини истисно этган ҳолда баён қилингандиги;

қарор лойиҳасидаги атама ва тушунчаларнинг тўлиқ очиб берилганлиги; ишлатилган қисқартмаларга тушунча берилганлиги.

96. Агар тақдим этилган қарор лойиҳаси ҳуқуқий экспертиза натижаларига кўра қонунчилик хужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидалари талабларига жавоб берса, лойиҳанинг қонунчилик хужжатларида мувофиқлиги тўғрисида мазкур Коидаларнинг 1-иловасидаги* намунага мувофик хulosaga tuziladi.

Агар тақдим этилган қарор лойиҳаси ҳуқуқий экспертиза натижаларига кўра қонунчилик хужжатларига мувофик бўлса, бироқ қонунчилик техникаси қоидалари талабларига жавоб бермаса ва ушбу камчиликлар хужжатни қабул қилиш жараёнида бартараф этилиши мумкин бўлганда, бартараф этилиши лозим бўлган камчиликлар кўрсатилган ҳолда мазкур Коидаларнинг 2-иловасидаги* намунага мувофик хulosaga tuziladi.

97. Қарор лойиҳасининг қонунчилик хужжатларида мувофиқлиги тўғрисидаги хulosada қўйидагилар кўрсатилади:

хulosaga раками ва санаси;

қарор лойиҳасининг реквизитлари;

қарор лойиҳасининг қонунчилик хужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги ҳақидаги маълумотлар;

қарорни қабул қилиш жараёнида бартараф этилиши мумкин бўлган қарор лойиҳасида йўл қўйилган қонунчилик техникаси қоидалари талабларига жавоб бермайдиган камчиликлар (агар мавжуд бўлса);

хуқуқий экспертизадан ўтказган мутахассис ҳамда хulosani tasdiqlagan xududiy adliya organi raҳbarinинг familiyasini, ismini, otasinining ismini.

98. Агар тақдим этилган қарор лойиҳаси ҳуқуқий экспертиза натижаларига кўра қонунчилик хужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидалари талабларига жавоб бермаса, қарор лойиҳасининг қонунчилик хужжатларида номувофиқлиги тўғрисида мазкур Коидаларнинг 3-иловасидаги* намунага мувофик хulosaga tuziladi.

99. Қарор лойиҳасининг қонунчилик хужжатларида номувофиқлиги тўғрисидаги хulosada қўйидагилар кўрсатилади:

хulosaga раками ва санаси;

қарор лойиҳасининг реквизитлари;

қарор лойиҳасининг қонунчилик хужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидаларига номувофиқлиги ҳақидаги маълумотлар;

хуқуқий экспертизадан ўтказган мутахассис ҳамда хulosani tasdiqlagan xududiy adliya organi raҳbarinинг familiyasini, ismini, otasinining ismini.

100. Қарор лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси якунлари бўйича худу-

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дий адлия органининг биринчи раҳбари (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринбосари) лойиҳага «Е-қагог» электрон тизими орқали хулоса беради.

6-боб. Якуний қоида

101. Тошкент шаҳар, вилоятлар, туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда манфаатдор ташкилотларнинг мансабдор шахслари мазкур Коидаларнинг талабларига риоя қилиниши учун шахсан масъулдирлар.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2021 йил 15 ноябрдаги
19-мҳ-сон бўйруғига
2-ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 1 февралдаги 29-мҳ-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш хақида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 2420, 2013 йил 1 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 65-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 12 июндаги 158-мҳ-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 2420-1, 2014 йил 12 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 24-сон, 297-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 декабрдағи 315-мҳ-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 2420-2, 2014 йил 31 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 52(I)-сон, 652-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 5 июлдаги 171-мҳ-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги бўйруғи

(рўйхат рақами 2420-3, 2017 йил 5 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 27-сон, 630-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 30 октябрдаги 354-мҳ-сон «Махаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хукуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўрикномага ўзгартиришлар киритиш хақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2420-4, 2017 йил 30 октябрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2017 й., 10/17/2420-4/0188-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 25 июндаги 331-мҳ-сон «Махаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хукуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўрикномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш хақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2420-5, 2018 йил 25 июнь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.06.2018 й., 10/18/2420-5/1390-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУГИ

704 «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3105-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5210-сон «Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 14 ноябрдаги 144-сон «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3105, 2018 йил 21 декабрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.12.2018 й., 10/18/3105/2363-сон);

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 11 сентябрдаги 97-сон «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3105-1, 2019 йил 30 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллый базаси, 30.09.2019 й., 10/19/3105-1/3838-сон).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллый ассоциацияси ва Ўзбекистон аудиторлар палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 2 ноябрь,
67-сон

Келишилди:

*Ўзбекистон бухгалтерлар ва
аудиторлар миллый
ассоциацияси Кенгаши раиси*

Ж. МИРЗАЕВ

2021 йил 13 октябрь

*Ўзбекистон аудиторлар
палатаси ижрочи директори*

Ф. РАШИДОВ

2021 йил 22 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

**705 Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб
чиқиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва
қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
19 ноябрда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 3013-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунiga мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 1 майдаги 180-сон бўйруғи (рўйхат рақами 3013, 2018 йил 14 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2018 й., 20-сон, 427-модда) билан тасдиқланган Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиши тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2021 йил 22 октябрь,
66-сон

Т. ИШМЕТОВ

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2021 йил 22 октябрдаги
66-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиши
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. 1-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади), харид комиссиясининг, унинг аъзоларининг, маҳсус ахборот портали операторининг» деган сўзлар «харид комиссиясининг, унинг аъзоларининг, давлат харидлари электрон тизими операторининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2-банддаги «қонун» деган сўз «қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 ноябрда эълон қилинган.

3. 3-банддаги «қонун» деган сўз «қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. 4-бандда:

учинчи хатбошидаги «тўғрисидаги хужжатлар» деган сўзлар «соҳасидаги хужжатларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

5. 5-банд қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«5. Комиссия Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тузилади, унинг таркиби тегишли давлат органлари, Операторлар ва жамоатчилик вакилларидан иборат бўлади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.».

6. 6-банддаги «Оператор» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 7-бандда:

кўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Комиссия раисининг ўринбосари;»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб хисоблансин.

8. 8-бандда:

олтинчи хатбошидаги «Ваколатли органга тақдим этади» деган сўзлар «махсус ахборот порталида эълон қиласи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «қонун» деган сўз «қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсин;

кўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Комиссия раиси йўқлигига унинг вазифаларини ўринбосари бажаради.».

9. 9-бандда:

биринчи хатбоши «Комиссия» деган сўздан кейин «раисининг ўринбосари ва Комиссия» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбошидан «кўра» деган сўз чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошидаги «Оператордан» деган сўз «Операторлардан» деган сўз билан алмаштирилсин.

10. 12-банд қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«12. Комиссия кун тартибига киритилган масалани кўриб чиқиш жараёнида Комиссия раиси, унинг ўринбосари ёки Комиссия аъзоси ўзларида манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган бевосита ёки билвосита шахсий манфаатдорлик юзага келган ҳолатда, Комиссия раиси, унинг ўринбосари ёки Комиссия аъзоси йиғилиш бошланишидан олдин бу ҳақда маълум қилишга мажбур.

Бу ҳолатда манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган бевосита ёки билвосита шахсий манфаатдорлиги юзага келган Комиссия раиси, унинг ўринбосари ёки Комиссия аъзоси кўрсатилган масалани кўриб чиқиш жараёнида иштирок этмайди.».

11. 14-банднинг бешинчи хатбошиси қўйидаги таҳирда баён этилсин: «шикоятни Комиссия аъзоларининг шахсий кабинетларига юборади;».

12. 16-банднинг биринчи хатбоисидан «Давлат харидларини назоратини амалга оширувчи шахсларнинг шикоятлари Оператор сайти орқали ҳам юборилиши мумкин.» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

13. 17-банда:

иккинчи хатбошидан «ваколатли органнинг,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбошидаги «қонун» деган сўз «қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсин.

14. 18-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Комиссия шикоятни кўриб чиқиша иштирок этадиган шахсларни (бундан буён матнда тарафлар деб юритилади) маҳсус ахборот портали орқали йиғилиш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қиласи. Комиссия шикоятни буюртмачи ва иштирокчининг иштирокида кўриб чиқади, бундан иштирокчи шикоятни унинг иштирокисиз кўриб чиқишга розилик билдирган ёки узрли сабабларсиз иштирок этмаган ҳоллар мустасно.».

15. Қўйидаги мазмундаги 19¹-банд билан тўлдирилсин:

«19¹. Комиссиянинг мажлислари ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан ўтказилиши мумкин.».

16. 20-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Комиссия шикоятни қабул қилиб олганда шикоят келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичida шикоят ҳақида буюртмачини хабардор қиласи ҳамда харид қилиш тартиб-таомилини ўн иш кунигача бўлган умумий муддатга тўхтатиб туради.».

17. 21-банднинг биринчи хатбоисидаги «Аризачи» деган сўз «Аризачининг» деган сўз билан алмаштирилсин.

18. Қўйидаги мазмундаги 22¹-банд билан тўлдирилсин:

«22¹. Комиссия шикоятларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш жараёнида маҳсус ахборот порталида юритиладиган иштирокчиларнинг рейтингидан фойдаланиши мумкин.».

19. 23-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Комиссия шикоят олинганидан кейин етти иш куни ичida у бўйича карор чиқариши ва бу ҳақдаги ахборотни маҳсус ахборот порталида жойлаштириши керак.».

20. 27-банддаги «кун» деган сўз «иш куни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21. 28-банддаги «қонун» деган сўз «қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш холати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 10 ноябрдаги 38-2021-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1963-3.

2. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 10 ноябрдаги 01/11-08-сон «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларига наслли молларни аукцион (кимошди савдоси) орқали сотиши амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1591-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 29 октябрдаги 32-мҳ-сон, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 октябрдаги 33-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 26 октябрдаги 45-2021Қ/Қ-сон ««Умумий ўрта таълим муассасаси қошидаги логопедия шохобчаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 18 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2722-1.

4. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 28 октябрдаги 37-сон «Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга давлат бюджети маблағлари хисобидан тиббий хизмат кўрсатувчи нодавлат тиббиёт ташкилотларига қўйиладиган талабларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 18 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3332

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 15 ноябрдаги 19-мҳ-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойихаларини ишлаб чиқиш, юридик-техник жиҳатдан

расмийлаштириш ва хуқуқий экспертизадан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 18 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3333.

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 2 ноябрдаги 67-сон «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3105-2.

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 22 октябрдағи 66-сон «Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3013-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 14 ноябрдаги 144-сон «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3105, 2018 йил 21 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 3105-1, 2019 йил 30 сентябрь).

2021 йил 18 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 1 февралдаги 29-мҳ-сон «Махаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2420, 2013 йил 1 февраль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2420-1, 2014 йил 12 июнь), (рўйхат рақами 2420-2, 2014 йил 31 декабрь), (рўйхат рақами 2420-3, 2017 йил 5 июль), (рўйхат рақами 2420-4, 2017 йил 30 октябрь), (рўйхат рақами 2420-5, 2018 йил 25 июнь).

2021 йил 19 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

